Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

10 июнь 1969 йил, сешанба ● № 134 (14.297). ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

БУХОРО, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Вобкент районидаги паррандачилари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарфига меҳнат вахтасида туриб, давлатга 814 минг 800 дона тухум сотдилар ва йиллик планни муддатидан етти ой илгари бажардилар. Райондаги «Коммунизм», «Зарафшон», Ленин номли, «Пахтакор», «Ленинград» колхозларининг паррандабоқарлари бу соҳадаги топшириқни 125-140 процент қилиб бажардилар. Шунингдек, Ромитан, Свердлов районларида ҳам давлатга тухум сотиш йиллик планлари ошириб бажарилди.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

ТЕРМИЗ, (Совет Ўзбекистони мухбири). Жарқўрғон районидаги хўжаликларнинг паррандачилик фермалари ходимлари тухум тайёрлаш йиллик планни ошириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Давлат тайёрлов пунктларига пландаги 1 миллион 600 минг дона ўрнига 1 миллион 655 минг дона тухум етказиб берилди.

ЎН ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ФАРҒОНА. Ўзбекистон районидаги Муқимий номли колхоз чорвадорлари давлатга 450 центнер юқори сорт гўшт сотиб ўн ойлик планни бажардилар. Шунингдек, райондаги Охунбобоев номли совхоз, Ленин номли колхоз чорвадорлари ҳам давлатга гўшт сотиш бўйича ярим йиллик планни адо этдилар.

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИГА СОДИҚЛИК

ПРАВДА

Совет кишиларининг, бутун дунё меҳнаткашларининг нигоҳи Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳрига, коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ишлаётган Катта Кремль саройига қаратилган. Кенгашда муҳокама қилинаётган империализмга қарши кураш вазифалари ва коммунистларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги масалалари миллион-миллион кишиларни тўлқинлантирмоқда. Бу масалалар инсониятнинг прогрессив ривожи учун жуда қатта аҳамиятга эга.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқи шунга амин-дирлари, коммунистларнинг халқаро анжумани империализмга қарши курашчиларнинг интернационал армиясини янада активлаштиришда катта роль ўйнайди, унинг иши коммунистик ҳаракат жипслигини марксизм-ленинизм принциплари асосида мустаҳкамлашга, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашаётган бутун жаҳон фронтини жипслаштиришга кўмаклашади.

Партиямизнинг позицияси, унинг халқаро коммунистик ҳаракат ва антиимпериалистик кураш проблемаларини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми руҳида ҳал этиш тўғрисидаги ғамхўрлиги КПСС делегациясининг бошлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кенгашда сўзлаган нутқида ифодалаб берилди. Меҳнаткашлар ана шу равшан, принципial позицияни қизғин мазқуллашмоқдалар. Партия органларига, «Правда» редакциясига келаётган фикр-мулоҳазалар ва телеграммалар ана шуни яққол кўрсатиб турибди. КПСС XXIII съезди қарорларида асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилган партиямиз ташқи сиёсий фаолиятини халқимиз батамом қўллаб-қувватламоқда.

Ленинча ташқи сиёсатимизнинг халқаро вазиятга, жаҳондаги воқеаларнинг ривожига нақадар кенг кўламда чуқур таъсир ўтказиши мамлакат ичкарисидаги ишларнинг қандай бораётганлигига, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати, улар қилаётган ҳамма ишлар халқларнинг социал ва миллий озодлик учун, ер юзида тинчлик ва социализмнинг тантанаси учун олиб бораётган кураши билан узвий равишда боғланиб, ана шу тарихий курашнинг ажралмас қисмини ташкил этади. СССРда коммунизм қурилиши интернационал аҳамиятга эга эканлигини англаш мамлакатимиз меҳнаткашларини руҳлантирмоқда, зеро улар улуғ мақсадга эришиш йўлида, бутун инсониятнинг порлоқ коммунистик келажаги йўлида куч-ғайратларини аямай, сарфламоқдалар.

Ижодий ғайрат-шижоат ва революцион завқ-шавққа тўла совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида комил ишонч билан коммунизм сари бормоқда. Ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён империализм дунёсига забардастлик билан қарама-қарши бўлиб турган Совет Иттифоқининг қудрати тобора ўсмоқда, унинг халқаро позициялари мустаҳкамланмоқда.

Партия коммунистик қурилишни ташкил этиб ва унга раҳнамолик қилар экан, коммунизм учун курашнинг асосий майдони — экономика эканлигига, янги жамиятнинг моддий-техника базаси эканлигига асосланади. Халқ хўжалиги нақадар тез ривожланса, мамлакат шу қадар бадавлат ва кучли бўлади, унинг олға томон ҳаракати шу қадар жадаллашади, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга, ҳозирги замон революцион жараёнини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси шу қадар салмоқли бўлади.

Совет кишиларининг иродаси, куч-ғайрати, ақл-идроки партия белгилаётган бунёдкорлик режаларини муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга қаратилган. Олтмишинчи йилларда социалистик экономикамиз муттасил юксалиб борди. Шуни айтиш кифоя қиладики, кейинги саккиз йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учдан бир ҳисса миқдорида кўпайди; меҳнаткашларнинг реал даромадлари 43 процент ортди. Партия ўзининг XXIII съезди қарорларига биноан умумий иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини сақлаб қолган ҳолда иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан ҳам, фан-техника даражаси жиҳатидан ҳам дунёда энг илғор халқ хўжалигини барпо этишга киришди. Ишлаб чиқаришнинг тағин ҳам самарали, миллионларнинг меҳнати тағин ҳам баранали, унумли бўлиб қолмоғи, ижтимоий бойлик манбалари тағин ҳам ошиб-тошмоғи учун партиямиз зарур ишларнинг ҳаммасини қилмоқда.

Беш йиллик топшириқларида ўзининг конкрет ифодасини топган коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифалари меҳнатда зўр ғайрат кўрсатишни талаб этади. Шу топшириқларнинг муддатидан олдин бажарилиши учун кураш — В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг асосий мазмунидир. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари дунёдаги ҳамма коммунистларга, ер юзидаги бутун меҳнат аҳлига азиз бўлган шонли санани муносиб кутиб олишга интилмоқдалар.

Коммунизм бинокорлари ўзларининг меҳнатдаги ғалабаларини, ватанпарварлик бурчининг бажарилиши, дебгина эмас, шу билан бирга халқаро ишчилар синфи, барча революцион кучлар олдидаги муқаддас интернационал бурчининг адо этилиши, деб ҳам биладилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев халқаро Кенгашда сўзлаган нутқида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи антиимпериалистик кураш вазифаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини бундан буён ҳам кўпайтира беради, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм ишини қаттиқ туриб оғишмай ҳимоя қила беради, деб айтди.

Мамлакатимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг пролетар интернационализмига содиқлиги шу кунларда янги куч билан намоён бўлмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг ишига халқлар оммаси зўр қизиқиш билан қарамоқда ва қизғин фикр-мулоҳазаларини айтмоқда. Кенгаш номига келаётган табриknомалар тобора кўпаймоқда: ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, партиялилар ва партиясизлар Кенгаш қатнашчиларига ўз олдиларида турган вазифаларини жаҳон коммунистик харакатини жипслаштириш ва халкларнинг ягона антиимпериалистик фронтини вужудга келтириш манфаатларини кўзлаб, муваффақиятли ҳал этишларини тиламоқдалар. Совет кишилари эндиликда халқимизнинг ҳаёти ва меҳнати билан бевосита такишаётган қардош партияларнинг намояндаларини ўз коллективларида сидқидилдан табрик, лаб, курсандчилик билан кутиб олмоқдалар. Ана шунинг ҳаммаси интернационал алоқаларимизни тағин ҳам кенгайтиришимизга ва мустаҳкамлашга имкон беради.

Совет халқи синфдош ва курашдош қардошларимиз билан чуқур бирдамлик ҳис-туйғуларини изҳор этиб, Коммунистик партия бошчилигида социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги, коммунизм идеаллари тантанаси йўлидаги фидокорона меҳнати билан бутун дунёда социализм ва тинчлик ишини бундан буён ҳам ҳормай-толмай мустаҳкамлашга азми қарор қилган.

(9 ИЮНЬ).

МОСКВА. 1969 йил, 7 июнь. Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашида. Суратда: КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзламоқда. В. СОБОЛЕВ фотоси. (ТАСС).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши 7 июнда ўз ишини давом эттирди.

Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ Э. Хиль раислигида ўтказилган эрталабки мажлисда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Рейман сўзга чиқдилар.

Сўнгра Гватемала Меҳнат партияси делегациясининг бошлиғи ўртоқ А. Мартинесга сўз берилди. Гватемалада, деди у, революцион ҳаракат раҳбарларидан бири бўлган ўртоқ Альварадони қамаб қўйишди, унинг ҳаёти хавф остида турибди. Ўртоқ А. Мартинес қардош партияларга мурожаат қилиб, уларни бирдамлик изҳор қилишга ва ўртоқ Альварадони ҳимоя қилиб чиқишга чақирди.

Араб мамлакатлари Коммунистик партияларининг ва Исроил Коммунистик партиясининг делегациялари таклифига биноан, Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши араб халқларининг одилона курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга чақириб, баёнот қабул қилди. Шу муносабат билан Кенгашда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Н. Чаушеску, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари М. Вильнер, Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Ж. Голлан, Бельгия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ М. Дрюмо, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев, Франция Коммунистик партияси делегациясининг аъзоси, Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Л. Фейкс, Марокаш Озодлик ва социализм партиясининг Бош секретари ўртоқ А. Ята, Мажлис раиси, Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ Э. Хиль қисқа нутқ сўзладилар.

Кечки мажлисда Жазоир Социалистик авангард партияси Марказий раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Л. Бухали раислик қилди. Мажлисда Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ В. Гитто, Тунис Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ М. Хармель, Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ К. Есперсен, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Арисменди сўзга чиқдилар.

Парагвай Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ К. Масиэль шу йил 6 июндаги мажлисда сўзга чиқиб айтдики, коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашига тайёргарлик ишлари қардошларча ва ошкора фикрлашиб олиш вазиятида, тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида ўтди, империализмга қарши курашнинг энг зарур вазифаларини ҳал этиш, коммунистик ва ишчи партияларнинг, империализмга қарши бошқа кучларнинг ҳаракат бирлигини таъминлаш мақсадларини кўзлаб олиб борилди. Бу тайёргарлик ишида барча қардош партиялар қатнаша олдилар.

Бироқ, Хитой Коммунистик партиясининг Кенгашда қатнашуви учун кўп марталаб қилинган ҳаракатларга қарамай, муштарак манфаатлар ва мақсадлар йўлидаги курашда коммунистик ва ишчи партияларни ҳамда империализмга қарши бошқа кучларни жипслаштириш йўлида қилинаётган коллектив ҳаракатларга Хитой Коммунистик партиясининг ҳозирги раҳбарлари қўшилмадилар. Улар қардош партияларга туҳматлар қилишни давом эттирмоқдалар. Коммунизм ишига ёт бўлган оппортунистик, миллатчилик позицияларида туриб, Хитой раҳбарлари коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларини бузишга интилмоқдалар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши уларнинг чегараларида қонли провокацияларни ташкил этмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси Парагвай коммунистларини ва биз аминмизки, бутун дунё коммунистларини ҳам чуқур ташвишга солмоқда, чунки Хитой Коммунистик партиясининг ҳозирги раҳбарлари шундай қилмаганда эди, халқаро коммунистик ҳаракат ва барча антиимпериалистик кучлар ҳозирги қийинчиликларнинг кўпига дуч келмаган бўлур эдилар ва империализмга янги қаттиқ зарбаларни бера олган бўлур эдилар.

Асосий ҳужжат лойиҳасини, «Вьетнамга мустақиллик, эркинлик ва тинчлик берилсин» деган чақириқни, тинчликни ҳимоя қилишга даъват этган хитобномани ҳамда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига аталган Мурожаатни Парагвай Коммунистик партиясининг делегацияси ўзининг Марказий Комитети номидан ҳеч сўзсиз маъқуллайди ва ушбу халқаро кенгашда мазкур ҳужжатларни имзолашга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

Асосий ҳужжатда халқаро вазият тўғри анализ қилинган, жаҳондаги кучларнинг нисбатига объектив ва тўғри баҳо берилган. Бу ҳужжатда империализмнинг агрессив сиёсатидан келиб чиқадиган хавф-хатарлар тафсифлаб ўтилган ва айни вақтда давримиздаги уч буюк революцион кучнинг ўсиб бораётган янги имкониятлари, бу кучлар олдинга боришга, империализм, реакция, ва уруш кучлари устидан янги катта ғалабалар қозонишга қодир эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Парагвай коммунистик партияси делегациясининг бошлиги шуни қайд қилиб ўтдики, социализм кучлари билан империализм кучларининг ўртасидаги тарихий тўқнашув кескинлашиб бораётганлиги асосий ҳужжатда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилади. Давримизнинг, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг характери, мазмуни ва асосий тенденциялари тўғрисидаги марксча-ленинча тезис ҳозир ҳам тўғри тезис бўлиб қолмоқда, дейди нотиқ. Жаҳон социалистик системаси империализмга қарши курашдаги ҳал қилувчи кучдир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг ўсиб бораётган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудрати ҳамда тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли, халқаро пролетариатнинг ҳаракатлари туфайли шунингдек, тинчлик йўлидаги ҳаракат кенгайиб бораётганлиги туфайли янги жаҳон урушининг бошланиб кетишига ғов солишга муваффақ бўлинди.

Империализм агрессив стратегиясининг тиғи, аввало, социалистик давлатларга қаратилган бўлса ҳам, лекин у ўзининг қўлдан бериб қўйган тарихий ташаббусини эндиликда қайтариб ола олмайди. Вьетнам тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, эндиликда империализм халқлар тақдирини ўз хоҳлаганича ҳал эта олмайди. Империализмга янги зарбалар бериш ҳамда революцион ва прогрессив кучларнинг янги муваффақиятларни қўлга киритиши учун мавжуд имкониятлар кўпайиб бораётганлиги ҳозирги босқичнинг характерли белгиси бўлиб турибди Ўртоқ К. Масиэль айтдики, барча коммунистик партиялар олдига ҳозирги халқаро вазият томонидан қўйилаётган талаб, яъни марксизм-ленинизмга содиқ бўлиб қолиш, миллатчилик маҳдудлигига қарши, назаридаги ва сиёсатдаги ўнг ва «сўл» оппортунистик оғмачиликларга қарши курашиш заруряги ревизионизми ҳам, шунингдек догматизми, сектантларча сўлчилик авантюризмини ҳам бартараф қилиш зарурлиги Асосий ҳужжат лойиҳасида ҳисобга олинган Асосий ҳужжатнинг бутун мазмуни коммунистик партиялар ҳаракат бирлигини жипслаштиришга қаратилган.

Нотиқ уқтириб айтдики, коммунистик партияларнинг жипслашуви барча антиимпериалистик кучлар бирлигининг энг муҳим омилидир. Жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий озодлик ҳаракатидан иборат уч буюк куч иттифоқини мустаҳкамлаш ва уларнинг бирлигида ҳаракат қилишини уюштириш вазифаси Асосий ҳужжатда таърифлаб берилганлигини айтиб, нотиқ буни ўзининг қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

(Охири иккинчи бетда)

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми 9 июндаги Фармони билан еттинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг олтинчи сессиясини 1969 йил 10 июлда Москва шаҳрида чақиришга қарор қилди. (ТАСС).

ҒЎЗА КУНДА ЯШНАЯПТИ

Шу кунларда Қашқадарё областининг қайси хўжалигига борманг, одамларнинг мўл ҳосил ташвиши билан яшаётгани ва меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Ҳамма жойда тўла гектарлар ҳосил қилиш, парваришни сифатли ўтказиб ғўзанинг ривожини ўтган йил шу вақтдаги даражага етказиб олиш учун курашилянти.

Бултур она-Ватанга 40 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширган Қарши райони пахтакорлари бу йил ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Районда 20 минг 234 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Шундан 19 минг гектарга якин майдонда тўла гектарлар ҳосил қилинди. 17 минг гектар майдоннинг ғўзаси эса яганадан чиқарилди. Ниначка толали пахта етиштирадиган «Москва», Карл Маркс номли, «III Интернационал», «Пахтакор» колхозларида ғўза парвариши комплекс олиб борилянти.

«Пахтакор» колхози миришкорларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқ. Улар 760 гектар майдонга ингичка толали пахта чигитини сифатли эккан эдилар. Ҳозир пахта майдонининг ҳаммасида чигит бир текис ундириб олинди. тўла гектарлар ҳосил қилинди, яганалаш сифатли тугалланди. Ҳар гектар ерда 120-130 минг тупдан кўчат қолдирилди. Барча экин бир марта культивация қилинди. Хўжалик пахтакорлари фурсатни ғанимат билиб, ҳозир иккинчи культивацияни давом эттиришянти.

Бу ерда мавжуд чопиқ тракторларининг ҳаммаси тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Экин культивация қилиш билан бир вактда, озиқлантириб кетилянти. Ғўзанинг ривожига яхши таъсир кўрсатсин учун гектарига 350-400 килограммдан қўй қийи зарур миқдордаги минерал ўғитларга аралаштириб солинянти. Ҳозир колхозда иккинчи культивация, иккинчи озиқлантириш қизғин давом этянти.

Кейинги кунларда ҳаво бирдан исиб кетди. Қарши чўлидан иссиқ шамол эсмоқда. Пахтакорлар буни ҳисобга олиб, ғўзани суғоришни бошлаб юбордилар. Бу билан культивация қилинган ва озиқлантирилган ғўзанинг серавж ва бардошли бўлиб ўсишига эришилянти. Колхозда сувчилар танлашга ҳам катта эътибор берилди. Тажрибали пахтакорлардан 100 киши сувчилик қилянти.

Колхозда ғўза парвариши мутахассисларнинг, пахта усталарининг маслаҳатларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилянти. Қурбонбой Файзиев, Темир Жаниев, Олим Амирқулов, Умир Маматқуловлар бошлиқ бригадаларда сифатли парвариш қилиниб, нормал ривожлантириб олинган ғўзалар ёпасига шоналай бошлади. Ғўза кунда бир яшнаянти.

Косон райони хўжаликларида ҳам ғўза парваришига алоҳида эътибор берилянти. Район пахтакорлари 14930 гектар майдонга чигит экиб эдилар. Ҳозир 12 минг гектар майдонда тўла гектарлар ҳосил қилинди. Қарийб шунча майдондаги экин ягана қилинди. Ҳозир район далаларида 200-320 чопиқ трактори ишлатилянти. Механизаторлар 10 минг гектар майдондаги ғўзани бир марта культивация қилдилар ва озиқлантирдилар.

Китоб ва Яккабоғ районларининг пахтакорлари бу йил чигит ерга одатдагидан анча кеч ташланганлигини ҳисобга олиб, ғўза парваришини барча чоралар билан кучайтирмоқдалар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

(Боши биринчи бетда).

Парагвай Коммунистик партиясининг вакили қолган ҳужжатларнинг лойиҳаларига баҳо бериб, бу ҳужжатларнинг ҳаммаси ўзининг характери, мазмуни ва асосий йўналиши жиҳатидан Парагвай ишчилар синфи ва халқининг туб манфаатларига ҳамда уларнинг ҳозирги вақтда Стресснер бошчилик қилаётган ва миллат манфаатларига зид бўлган диктаторлик режимини кучларни аста-секин тўплаб ва курашнинг барча зарур формаларидан фойдаланиб тайёрланаётган умумхалқ қуролли қўзғолонини кўтариш йўли билан ағдариб ташлаш учун олиб бораётган курашининг талабларига тўла равишда мос бўлиб тушаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ В. Гомулка ўз нутқининг бошида жаҳон коммунистик ҳаракатини ва барча антиимпериалистик кучларни жипслаштирмоқ учун Кенгашнинг тарихий аҳамиятини уқтириб ўтди. Тайёргарлик комиссияси ишлаб чиққан ҳужжатларнинг лойиҳаларини тўла равишда қўллаб-қувватлаганлигини билдирди.

Ўртоқ В. Гомулка давримиздаги революцион ўзгаришлар, синфий ва миллий озодлик курашлари бўлиб турган шароитда кучларнинг халқаро майдондаги нисбатини таҳлил қилиб, империализм халқларнинг тақдирини мустақил ҳал қилиш ва уларни ўз ҳукмронлигига бўйсундириш имкониятини сира қайтмайдиган қилиб қўлдан бериб қўйганлигини қайд қилиб ўтди. Эндиликда империализм ўзи қўлдан бериб қўйган тарихий ташаббускорликни қайтариб ола олмайди. Инсоният тараққиётининг асосий йўлини социализм белгилаб бермоқда.

Ҳозирги замонининг асосий можаролари давримизнинг энг муҳим проблемаси, уруш ва тинчлик проблемаси атрофига тўпланмоқда. Ўртоқ В. Гомулка янги уруш бўлиш муқаррар деган нотўғри тезисни улоқтириб ташлаб, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган сиёсатнинг катта аҳамияти борлигини ва актуаллигини уқтириб ўтди. Коммунистик ҳаракатнинг вазифаси инсониятни термоядро урушининг ҳалокатларидан қутқариб қолишдир. «Ё уруш революцияга олиб келади, ёки революция урушни даф қилади», деган даъво замонимизнинг ҳақиқатда мавжуд проблемаларига жавоб беришдан қочишнинг ўзидир. Империализмнинг агрессив сиёсатига халқларнинг кескин қаршилик кўрсатиши, ишчилик билан тинчлик сиёсатини ўтказиш ва социализм халқаро кучлари ҳаракатлари бирлиги натижасидагина уруш хавфи тугатилиши мумкин.

Тинч-тотув яшаш сиёсатининг мавжуд ижтимоий тузумни ҳимоя қилишга, синфий курашдан ва миллий озодлик курашидан воз кечишга ҳеч бир асоси йўқ. Халқ оммасининг манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, бу сиёсат синфий можароларни ҳал этиш учун жуда қулай шароит яратиб беради ва янги жаҳон урушисиз ижтимоий тараққиётни янада ривожлантира беришни таъминлайди.

Ўртоқ В. Гомулка Европадаги коммунистик ҳаракат олдида турган вазифаларни баён қилиб, тинч-тотув яшашнинг янги программасини тузиш ва жаҳонимиз шу зонасида хавфсизликни мустаҳкамлаш зарур, деган фикрни айтди.

Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари ҳозир икки нарсадан биронни қилишга: ё ўзларининг реваншчилик йўлларини, яъни сира аҳамга ошириб бўлмайдиган йўлни давом эттиришади ёки янги йўлни қидириб топишга мажбурдирлар. Германия Федератив Республикасининг сиёсати Европада хавфсизлик ва тинчлик манфаатларига жавоб берадиган реалистик йўлга тушиб олишидан Польша манфаатдор. Европадаги мавжуд чегаралар нинг узил-кесил чегаралар эканлигини эътироф қилиш. Германия Демократик Республикасининг суверенитетини эътироф қилиш ва ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани имзолаш Германия Федератив Республикасининг асл мақсади нималигини билдирувчи мезондир. Одер ва Нессе дарёлари бўйлаб ўтган чегарани тан олиш масаласида Германия Федератив Республикаси билан шартнома тузиш тўғрисида Польша томонидан қилинган кейинги таклифни Ўртоқ В. Гомулка эслатиб ўтди ва шундай шартнома тузиш Европадаги муносабатларни ноормаллаштириш ишига қўшилган катта ҳисса бўлур эди, деди.

Бу кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга олиб борадиган йўлни очиб бериши лозим. Ҳокимият учун кураш ва социализм қурилишининг методлари масалаларида коммунистик партияларнинг қарашларида ва концепцияларида миллий шароитнинг ва тажрибанинг хилма-хиллигидан келиб чиқадиган тафовутлар халқаро коммунистик харакат бирлигига ўз-ўзидан путур етказмайди. Пролетар интернационализми принципларидан чекинилганда, социализм кучларининг халқаро бирдамлигини кўпириш учун келишмовчиликлардан фойдаланиш йўлига тушиб олинганида, ана шунда мана шу бирлик бузиладди.

Синфий кураш икки системанинг кураши билан узвий равишда боғланган ва тамомила халқаро характерга эга бўлиб қолган бизнинг давримизда ҳар бир партиянинг фаолияти жаҳон миқёсида империализмга қарши кураш фронтининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Империализмнинг жаҳон миқёсидаги стратегиясига барча антиимпериалистик кучларнинг авангардчи бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг ялпи фронтини қарама-қарши қилиб қўйиш лозим. Интернационализм принципларига муносабат ҳар бир коммунистик партиянинг сиёсий йўли тўғрилигини кўрсатувчи асосий мезондир.

Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлари мана шу принципларга хиёнат қилдилар. Улар буюк давлатчилик шовинизми позициясига кириб олиб, социалистик лагерь ва халқаро коммунистик ҳаракат сафларига нифоқ солдилар, Совет Иттифоқига ҳамда бошқа социалистик мамлакатларга ва коммунистик партияларга қарши туҳматлар қилиш кампаниясини авж олдириб юборишдилар, шунингдек СССРга территория даъволари қилишга киришдилар. Польша Бирлашган ишчи партияси, социалистик мамлакатларнинг бир-биридан территория даъво қилиши йўл қўйиб бўлмайдиган нарса, деб ҳисоблайди, чунки бундай даъво халқлар ўртасида шовинизмни авж олдиради ва кўпгина давлатларни бениҳоя можаролар гирдобига тортиш хавфини туғдиради. Социализм ва тинчликнинг асл манфаатлари ҳамма давлатларнинг территориялар орасидаги мавжуд ҳолатга риоя қилишларини талаб этади. Империализмга қарши фронтнинг асосий қалъаси бўлган, социализм ва халқлар озодлиги кучларининг таянчи бўлган Совет Иттифоқига қарши зарба беришга уринганлар империализмга қарши асло кураша олмайдилар.

Хитой коммунистлари ва улуғ хитой халқи ўзларининг революцион ғалабаларини сақлаб қола оладилар ва ўз давлатларининг социалистик характерини сақлаб қола оладилар, ахир бир кун улар Мао Цзэ-дун группасининг ҳалокатли сиёсатини улоқтириб ташлайдилар ва Хитойни социалистик мамлакатларнинг қардошлик оиласига қайтарадилар, деб Ўртоқ В. Гомулка ишонч билдирди.

Миллатчилик тенденцияларини енгиш империализмга қарши курашда айрим партияларнинг у ёки бу масалага қарашларидаги тафовутларга қарамай, уларнинг бирлиги ва бирдамлигига эришишнинг мутлақо зарур шартидир. Ҳар бир партия ўзининг сиёсий йўлини мустақил белгилаб олади ва ўз халқи олдида ва айни вақтда бутун халқаро ишчилар ҳаракати олдида жавоб беради. Социализм учун кураш методлари ёки янги тузум қуриш практикаси масалаларига доир ўзининг нуқтаи назарини ҳеч бир партия мутлақ нуқтаи назар даражасига кўтариши ёки бошқа партияларга қабул қилдиришга уриниши лозим эмас. Иккинчи томондан барча коммунистик партияларнинг интернационал бурчи шуки, улар социализмнинг эришган позицияларини ҳимоя қилишлари ва мустаҳкамлашлари лозим.

Ўртоқ В. Гомулка ўз нутқининг охирида уқтириб айтдики барча антиимпериалистик кучларни йўналтириб туриш, уларни революцион социал ва миллий озодлик курашини қудратли оқимда бирлаштириш коммунистик ҳаракатнинг тарихий вазифасидир. Социализмнинг барча кучлари ҳаракатида бирлик бўлиши бу вазифани амалга оширмоқ учун тинчлик, халқлар озодлиги, инсоният жамиятининг тараққиёти ва бахт-саодати йўлида муваффақиятли кураш олиб бормоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ўртоқ В. Роше халқаро кенгаш чақирилганлиги муносабати билан француз коммунистлари мамнун бўлганлигини ўз делегацияси номидан изҳор қилиб, биргаликда олиб бориладиган курашнинг платформасини ишлаб чиқмоқ учун ҳозирги босқичдаги империализмни ва унга қарши бўлиб турган кучларни анализ қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Франция Компартиясининг бош секретари айтдики, кейинги ўн йил ичида империализм жаҳон системаси сифатида социалистик системага нисбатан, тинчлик, мустақиллик ва тараққиёт ишларига нисбатан ҳеч шубҳасиз заифланиб қолди. Мана шу нисбатан рўй берган заифланишига қарамай, империализм ичидаги зиддиятлар кескинлашганига қарамай, у ўзининг агрессивлигини йўқотгани йўқ, бу агрессивлик, жумладан, қуролланиш пойгасида, реакцион давлат тўнтаришларини ва маҳаллий можароларни ташкил этишда ўзини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсидаги кучларнинг нисбатида социализмнинг, миллий мустақилликнинг ва тинчликнинг қўли баланд бўлиб келди ва баланд бўлаверади, бунинг учун антиимпериалистик кучлар ва аввало коммунистик партиялар империализмнинг агрессив кирдикорлари пайини қирқиш мақсадида муштарак курашда бирлашишлари шарт.

Ўртоқ В Роше Вьетнам халқи курашининг тарихий аҳамиятини таъкидлаб айтдики, Франция Коммунистик партияси Европа хавфсизлиги учун курашга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи курашини ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари олиб бораётган курашини ривожлантириш империализмни заифлантиришнинг муҳим омилидир.

Сўнгра Ўртоқ В. Роше 1968 йилнинг май-июнида Францияда меҳнаткашлар оммаси билан давлат монополистик капитализми орасида авж олиб кетган биринчи катта тўқнашувнинг сабоқлари тўғрисида гапирди. • Ўртоқ В. Роше бу синфий жангда ишчилар синфи ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини айтиб демократия ва социализм йўлидаги жангларда знёшларнинг ва ёшларнинг қатнашувига Франция Коммунистик партияси қанчалик аҳамият бераётганлигини ҳам уқтириб ўтди.

Франция тубли демократик ўзгаришларни рўёбга чиқармоқ учун ишчилар билан демократик кучлар бирлиги етарли бўлмади. Бунинг учун жавобгарлик социалистларнинг раҳбарлари зиммасига тушади. Улар муштарак программа асосида битта номзод кўрсатишни рад этдилар ва шундай номзод теварагида сўл кучлар иттифоқини вужудга келтиришга ҳам халқит бердилар.

Ўртоқ В. Роше 1 июнда ўтказилган президент сайловида Франция Компартияси эришган муваффақиятнинг аҳамиятини таъкидлаб айтдики, француз коммунистлари ўз зиммаларидаги миллий жавобгарликни ўзларининг интернационал бурчларидан ажратиб қўяётганлари йўқ. Улар Франциянинг тинчликсевар мустақил ташқи сиёсати учун, халқаро ҳамкорлик учун курашмоқдалар.

Бу кураш Франция Коммунистик партияси ўнг оппортунизмга қарши, шунингдек сўл оппортунизмга ҳам қарши кескин жанг қилмоқда

Ўз сиёсатларини синфий ҳамкорликка асослаган социал-демократларнинг раҳбарларига Асосий ҳужжат лойиҳасида берилган баҳонинг тўғрилигини Франция Коммунистик партиясининг тажрибаси исботлаб турибди.

Шу билан бирга Франция Коммунистик партияси троцкийчи ва маочи гуруҳларнинг «сўл» авантюризмига қарши курашиб келмоқда. Шу муносабат билан Ўртоқ В. Роше Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг ленинизмга зид бўлган антисовет бузғунчилик сиёсати империализмга қарши олиб борилаётган ялпи курашга зарар етказаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Франция Коммунистик партияси коммунистик партияларнинг авангарди ролига етарли баҳо бермасликка қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши курашиб келмоқда. Ишчилар синфининг партияси бўлган Коммунистик партия энг илғор ва энг изчил антиимпериалистик кучдир.

Бинобарин, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ягона кенг антиимпериалистик фронтнинг зарур негизидир, шундай фронтни вужудга келтириш керак. Қардош партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларга асос қилиб олинган принципларга риоя қилиб туриш коммунистик ҳаракат бирлигининг гаровидир.

Франция Коммунистик партияси Асосий ҳужжат лойиҳаси бу масалада коммунистик ҳаракат назарияснни анча бойитади, деб ҳисоблайди.

Франция Коммунистик партияси ҳар бир коммунистик партиянинг суверенитети ва тенг ҳуқуқлилиги принципига ҳам, шунингдек пролетар интернационализми принципига ҳам қаттиқ амал қилиш билан бирга шу нарсага аминдирки, қардош партиялар ўртасидаги келишмовчиликлар империализмга қарши биргаликда кураш олиб боришга халақит бермаслиги лозим.

Пировардида Ўртоқ В. Роше, Франция Коммунистик партияси Кенгаш ҳужжатларининг лойиҳаларини тўла равишда маъқуллаганлигини ва шу лойиҳаларни қабул қилиш кераклигини айтди.

Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партиясининг Бош секретари Ўртоқ Э. Папаноанну уқтириб айтдики, ҳамма асрларнинг энг буюк революционери В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши чақирилганлиги давримизнинг энг қистовли талабига-коммунистик ва ишчи партиялар ҳаракатини жипслаштириш ва шу ҳаракатнинг бирлиги зарурлиги, тинчлик, миллий озодлик, демократия, социализм учун беш қитъада курашаётган барча антиимпериалистик кучларни жипслаштириш ва активлаштириш зарурлиги тўғрисидаги талабга жавоб беради.

Бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган шароитда ишлаётганлигимиз ва турли конкрет проблемаларни ҳал қилаётганлигимиз сабабли, деб давом қилди нотиқ, табиийдирки, биз бу проблемаларга турлича ёндошмоқдамиз, бу проблемаларга турли позициялардан туриб, қарамоқдамиз. Бироқ, энг асосий нарса шуки, ҳаракатимизнинг муштарак дунёқараши бор, социал ҳодисаларни ҳаммамиз бир хилда тушунамиз ва давримизнинг асосий сиёсий жараёнларига бир хилда баҳо берамиз, бизларнинг мақсадимиз ҳам муштарак, курашимиз ҳам муштарак. Мана шуларнинг ҳаммаси бизни чамбарчас қилиб туради, шунинг учун ҳам бу ҳаммамизнинг асосий вазифамиздир. Жаҳон ишчилар ҳаракатининг кучи унинг интернационал бирдамлигидадир, жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг, социалистик системанинг, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг жипслиги ва ҳамкорлигидадир. Бу шак-шубҳасиз ҳақиқат ҳаракатимизнинг ва жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг бирлигига эришмоқ учун иродамизни ва ғайратимизни мустаҳкамлайди. Марксизм-ленинизмнинг ва пролетар интернационализмининг бузилишлардан холи бўлган мусаффо назарияси коммунистик сафлар бирлигини мустаҳкамлашга асос қилиб олиниши керак бўлган гранит негиздир.

Империализмга қарши кураш ҳозирги вақтда бутун инсоният тараққиёти учун курашнинг марказидир. Шу сабабли ишчилар синфи илғор партияларининг бу кенгаши антиимпериалистик кураш проблемасини ўз ишининг марказига қўйганлиги мутлақо тўғри.

Сўнгра Ўртоқ Э. Папаноанну Кипр проблемаларига тўхталиб ўтди. Коммунистларнинг 1960 йилдаги халқаро Кенгашидан бери ўтган тўққиз йил, деди у, ватанимиз мустақиллигининг дастлабки тўққиз йили бўлди. Тараққиётга интилаётган тинчликсевар Кипр халқи ўз ватанини ривожлантириш йўлидаги бунёдкорлик ишлари учун бу даврдан тўла фойдалана олмади. Бизнинг еримизда ўзларининг ҳарбий базаларини ва Кипр республикасининг мустақиллигини чеклаб қўйган бошқа ҳуқуқларини сақлаб қолган империалистлар бизнинг оролимизни НАТОнинг ҳарбий қўшимчасига айлантиришни, Яқин Шарқдаги ва Ўрта денгиз районидаги ўзларининг стратегия мақсадлари учун плацдармга айлантиришни истадилар ва дарров шу йўлда иш бошладилар. Империалистлар ҳар хил тазъйиқлар ўтказиш ва аралашиш йўли билан Кипр халқининг орасини бузишга интилиб, шу асосда фитна уюштирдилар. Улар Америка империалистлари берган 20 миллион доллар билан ўтказилаётган антикоммунистик кампания ёрдамида Кипр халқининг орасини бузишга муваффақ бўла олмаганларидан кейин қўпорувчилик ишларини олиб боришга ва Кипрдаги грек аҳолиси билан турк аҳолиси ўртасида миллий адоватни авж олдиришга киришдилар.

Кипрни НАТО империалистларга қул қилиб беришдан бу мамлакатни иккита муҳим омил қутқариб қолди: биринчидан халқнинг ички бирлиги бунга ёрдам берди ва бу бирликка бизнинг партиямиз ҳал қилувчи ҳисса қўшди, чунки партиямиз империалистик таҳдидни кўриб, унга қарши кескин курашди, иккинчидан социалистик мамлакатларнинг ва ривожланаётган мамлакатларнинг бирдамлиги ва мадади туфайли биз империалистларга қул бўлишдан қутилиб қолдик. 1964-1967 йилларда Кипрнинг бошига огир кунлар тушганида унга Совет Иттифоқининг дипломатик, сиёсий ва ҳарбий мадад берганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Фурсат келганидан фойдаланиб, партиямиз ва халқимизнинг мана шу чексиз ёрдам ва мадад учун ташаккурини изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Империалистлар Кипрга қарши фитначилик фаолиятини тўхтатганлари йўқ. Улар оролимизни бўлиб юбориш ва НАТОга бўйсундиришнинг янги планларини тузмоқдалар. Империалистлар Афинадаги фашистлар хунтасининг ва Анкарадаги реакцион шовинистларнинг ёрдами билан Кипр масаласини империалистик тарзда ҳал қилдиришга интилмоқдалар. Кипр масаласи шундай ҳал қилинадиган бўлса бунинг натижасида у араб халқларига ва социалистик мамлакатларнинг халқларига қарши қаратилган ҳарбий плацдармга айланиб қолур эди.

Биз мана шу халқаро минбардан туриб, империализмнинг мана шу макрли қўпорувчилик планларини қораламиз ва шуни айтамизки, Кипр масаласини унинг мустақиллигини, территориал бутунлигини, суверенитетини, бирлигини ва демилитаризация қилинишини таъминлайдиган, Кипрдаги турларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўла таъминлайдиган қилиб ҳал этишга эришмоқ учун Кипр халқи ўзининг бутун кучини сарфлайди.

Шу билан бир вақтда биз ҳамма партияларга мурожаат қилиб, уларни Кипр халқи олиб бораётган машаққатли курашга бирдамлик билдиришга ва мадад беришга чақирамиз. Кипрнинг мустақиллигини, бетарафлигини ва демилитаризация қилинишини таъминлаш Ўрта денгиз районидаги халқларнинг ва Яқин Шарқ халқларининг миллий мустақиллик, тинчлик ва миллий тараққиёт йўлида олиб бораётган курашн учун жуда ижобий омил бўлади. Биз ишонамизки, Яқин Шарқ проблемасини Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асосида ҳал қилиш Кипр халқининг курашига ҳам хайрли таъсир ўтказади.

6 июнь кечки мажлисда **Австралия Коммунистик партиясининг миллий секретари Ўртоқ Л. Аароноз** сўзга чиқиб айтдики, Австралия Коммунистик партияси бутун дунёда тинчлик учун, ялпи душманимиз бўлган империализмга қарши курашга халқаро коммунистик ҳаракат, айниқса, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар қўлларидан ҳиссага баҳо бермоқда.

Бизнинг раҳбарлигимиз, деди Ўртоқ Л. Аароноз, ҳозирги вақтда биз кўриб чиқаётган ҳужжатнинг учинчи бўлимини принцип эътибори билан маъқуллайди. Империализмга қарши курашнинг шу учинчи бўлимда баён қилинган ҳаракат программасини қувватлаймиз. Бу ҳужжатни барча партиялар имзолай олиши ва шу тариқа антиимпериалистик курашнинг энг зарур вазифалари бўйича бирлигимизни намойиш қила олишимиз учун учинчи қисмни ҳужжатдан ажратиб чиқариш тўғрисидаги таклифимизни яна такрорлаймиз.

Австралия Коммунистик партияси бу ҳужжатни бутунлигича имзолай олмайди, чунки ҳужжатда баён қилинган баъзи принципларга қўшилмайди, чунки бу ҳужжатда баъзи муҳим қоидалар ва принциплар берилмаган. Булар қаторига қуйидагилар киради: фан-техника революцияси масалалари ва бу революциянинг капиталистик мамлакатлар, социалистик мамлакатлар ҳамда «учинчи дунё» мамлакатларининг ривожланишига ўтказаётган таъсири; янги революцион имкониятларнинг, айниқса ёшлар имкониятларининг аҳамияти; социалистик ривожланишга ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга доир проблемалар.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган ва бутун ҳаракатимизга салбий таъсир ўтказаётган баъзи бир жуда муҳим ҳоллар ҳужжатда назар эътиборга олинмаган, деди сўнгра нотиқ.

Жаҳон империалистик системаси ва ҳозирги халқаро аҳвол ҳужжатда юзаки ва баъзан зиддиятли анализ қилиб берилган. Бу нарса антиимпериалистик кучларни энг кўп даражада сафарбар этишга тўсқинлик қилади ҳамда империализмнинг идеологик ва маънавий кризисидан энг кўп даражада фойдаланишимизга ҳалақит беради.

Партиялар ўртасидаги муносабатлар фақат формал принциплар нуқтаи назаридангина тавсифланган. Бу принциплар ҳар қанча тўғри бўлса ҳам, аммо бу ҳақиқатда ҳамиша ҳам бу принципларга риоя қилинаётгани йўқ.

Ҳужжатда берилган баъзи таърифлар шу қадар мавҳумки ва шундай фикрларга олиб келадики, бу таърифларни ҳар хил тарзда талқин қилавериш мумкин. Шу билан бирга бу таърифлар кейинги вақтларда рўй берган ва бизга маъқул бўлмаган баъзи янги принципларни масалан, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга тааллуқли аҳволни маъқуллашга йўл қўяди.

Нотиқ Австралия Коммунистик партиясининг Австралия шароитида партия концепцияларини ривожлантириш йўлида қилаётган ҳаракатларига тўхталиб ўтганидан кейин сўнгги вақтларда бутун Австралияда ишчиларнинг оммавий чиқишлари зўр тўлқин бўлиб, кучайганлигини кўрсатиб ўтди. Миллион-миллион саноат ишчилари кейинги йигирма йил ичида ўз кучини сақлаб келаётган, касаба союзларига қарши қаратилган модемократик, шафқатсиз қонунларга қарши норозилик билдириб, иш ташладилар. Аслини олганда, бу иш ташлаш демократик характердаги сиёсий кураш бўлди, мамлакатдаги барча саноат ишчиларининг ярмисини жуда катта стачка ҳаракатига тортди. Кейингч саксон йил ичида бундай катта иш ташлаш бўлмаган эди.

Сўнгра нотиқ, катта ва кичик мамлакатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар ҳамма мамлакатларнинг миллий мустақиллигини, суверенитетини ва ички ишларига аралашмаслиги Кенгаш тўла равишда ва ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаши лозимлигини айтиши керак, деган фикрни баён қилди. Нотиқ яна шуни ҳам айтдики, Австралия делегацияси, 1968 йилнинг августида Чехословакияга қўшинлар киритилганлиги хато бўлди, деб очиқ айтаётган бўлса ҳам, аммо бу гапни шундай қарорга келган партияларнинг ички ишларига аралашишга истаганлиги учун айтаётгани йўқ. Социализм ишига ҳамда коммунистик принципларга ва идеалларга чуқур ва самимий содиқлик ҳисларига тўлган ҳолда биз шу кенгашда қатнашмоқдамиз, деб давом қилди Ўртоқ Л. Аароноз. Сўнгра нотиқ айтдики, бу иш бутун дунёда социализмни ўрнатиш учун кураш ишига за ар етказди. Бу ишнинг таъсири чуқур бўлди, оқибатлари эса анча катта бўлди. Буни бартараф қилиш осон бўлмайди; модомики, тенгсиз муносабатлар сақланиб қолар экан, бу ни бартараф қилиш жуда қийин. Интернационализмни ҳуқуқларини ҳурматлашдан ажратиб қўйиш ярамайди.

АҚШ империализмининг қонунсиз равишда қурол кучи билан оккупация қилиб олган Тайвань ороли Хитой Халқ Республикасига қайтариб берилсин деган қарорни Кенгаш қувватлаб чиқсин, деб таклиф қиламиз.

Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Х. Внейра сўзга чиқиб айтдики, Колумбия Коммунистик партиясининг фикрича, бу Кенгашни тайёрлаш ва ўтказиш коллектив раҳбарликнинг коммунистик методини қўлланишда олдинга қўйилган катта қадам бўлди ва халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги учун курашни янги, тагин ҳам юқори поғонага кўтаради ва шу бирлик учун курашдаги муҳим босқичдир.

Колумбия Коммунистик партияси Асосий ҳужжат лойиҳасини, шунингдек Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги тўғрисидаги ҳужжатни ва кенгаш муҳокамасига киритилган бошқа ҳужжатларни чуқур ўрганиб чиқиб маъқуллади. Биз деди нотиқ, марказий ҳужжат ҳозирги дунёдаги реал турмушнинг ва унинг ривожланишидаги тенденцияларнинг асосий жиҳатларини марксизм-ленинизм позицилари асосида умумлаштириб берган, деди. 1960 йилги Кенгашдан бери орадан ўн йилга яқин вақт ўтди. Мана шу ўн йилнинг революцион қураш давримизнинг характери ва шу даврнинг ҳаракатлантирувчи кучи — социалистик системага тўғрисида 1960 йилги Баёнотда айтилган фикрларнинг тўғрилигини исботлаб турибди.

Асосий ҳужжат лойиҳасининг хизмати шундаки, — деди сўнгра Ўртоқ Х. Внейра, — Латин Америкасидаги революцион жараён шу ҳужжатда қисқача тафсифлаб берилган. Ўтган ўн йиллик даврнинг қитъамизда социализм асосларини биринчи бўлиб қураётган шонли Куба революциясининг мамлакатдаги мукаммалашиш даври бўлди ва айни вақтда «Тараққиёт йўлидаги иттифоқ» деган ном остида кенг равишда эълон қилинган ислохотлар плани барбодликка учраган даврдир бўлди. Ҳозирги кунда биз, — деди нотиқ, — янги антиимпериалистик тўлқин кўтарилиб келаётганлигини кўриб турибмиз. Рокфеллернинг сафари шармандаларча барбод бўлганлиги қитъада рўй бераётган жараёнларда яқол кўриниб турибди. Латин Америкасидаги антиимпериалистик курашнинг мана шу янги тўлқини Перуда алоҳида куч билан намоён бўлди. Ў ерда антиимпериалистик кураш қулоч ёйётганлигини намойиш қилувчи ўзига хос жараён ривожланиб бормоқда. Колумбия халқининг Перу халқи билан ва унинг коммунистик партияси билан бирдамлиги кескин равишда ўсиб бораётганлигини айтмоқдамиз.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг мана шу халқаро кенгаши, деди Ўртоқ Х. Внейра, АҚШ империализми суяниб турган таянчнинг бир қисми бўлган ва катта синфий жанглар авж олаётганлиги сабабли ҳозирги вақтда империализмга қарши бевосита кураш майдонига айланаётган Латин Америкаси мамлакатлари халқлари курашини рағбатлантирувчи ҳаётий муҳим воситадир. Коммунистик ҳаракатнинг буюк интернационалистик мақсадлари, деди — нотиқ, ҳар бир мамлакатда миллий озодлик учун авж олдирилаётган курашнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси билан шу Кенгашда бир бутун бўлиб қўшилмоқда. «Бизнинг Кенгашимиз, — деди нотиқ, — интернационализмни ҳар бир халқнинг ватанпарварлик манфаатларидан ўртага катта гов қўйиб ажратиб бўлмаслигини кўрсатувчи жонли мисолдир».

«Жаҳон революцион ҳаракатининг отрядларидан бири бўлган бизнинг мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, — деди сўнгра Ўртоқ Х Внейра, қураш нинг энг хилма-хил формаларини бир-бирига қўшиб олиб боришдек синаган тактикадан фойдаланиб озодлик сари ўзига йўл очмоқда. Бу тактика эса Колумбия Коммунистик партияси сиёсатининг моҳиятидир. Партиямизнинг X съезди мамлакатимизда революция тинчлик билан ўтадиган революция бўлмайди, деган хулосага келди. Колумбиядаги революцион кураш тинч воситалардан ҳам, нотинч воситалардан ҳам фойдаланишни ўз ичига олади ва шундай қилиб биз мамлакат чуқур кризисни бошидан кечираётганлиги сабабли мавжуд системанинг сиёсий шармандаликка учраши яқинлашиб келаётганлигини ҳисобга олиб, миллий озодлик учун зарур кучларни тайёрламоқдамиз. Колумбия Коммунистик партияси мана шундан келиб чиқадиган, миллий озодлик йўлидаги, социализм йўлидаги, империализм устидан узил-кесил ғалаба қозониш йўлидаги курашимиз учун кенг негиз бўлган вазифаларни халқ орасида пропаганда қилаверади.

Сальвадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ С. К. Карпио сўзга чиқиб айтдики, коммунистик ва ишчи партиялар кенгаши халқаро коммунистик ҳаракат тарихидаги энг муҳим воқеаларнинг биридир. Ҳалкаро Кенгаш коммунистик сафларнинг ҳамда ер курраси даги барча антиимпериалистик ва ва прогрессив кучларнинг бирлигини рағбатлантириб, халқларнинг революцион курашини самарали қўллаб-қувватлашга коммунистларнинг фаолиятини йўллаб, инсоният тақдири учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлган вазифани бажараётир.

Бизнинг делегациямизга марксизм-ленинизм принциплари асосида коммунистик ҳаракат бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш ишига энг кўп ҳисса қўшиш вазифаси топширилди. Бу кенгаш янги типдаги коммунистик партиянинг ва тарихда биринчи социалистик давлат бўлган, бутун дунёдаги революцион ва прогрессив кучларнинг таянчи бўлган Совет Иттифоқининг асосчиси В И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини байрам қилиш арафасида ўз ўтаётганлиги катта аҳамиятга эга, — деди Ўртоқ С. К.Карпио. Биз, — деди у, — Кенгашнинг иши В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб равишда бағишланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Асосий ҳужжат 70 та қардош партиянинг бир йилдан кўпроқ зўр ғайрат билан қилган ишининг натижасидир,—деди нотиқ. Бу иш натижасида вужудга келган ҳужжат халқларнинг революцион курашида жуда яхши қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ҳужжатнинг ҳамма бўлимларини тўла равишда маъқуллаймиз ва барча қардош партияларни уни қабул қилишга чақирамиз. Бизнинг делегациямизга асосий ҳужжатни тўла равишда имзолаш, шунингдек кенгашнинг бошқа ҳужжатларини ҳам имзолаш топширилган.

Сўнгра нотиқ Сальвадордаги революцион кураш проблемаларига тўхталиб ўтди. Сальвадор халқи,—деди у, — ички олигархияга ва милитаристик, антидемократик режимга таянувчи АҚШ империализмининг иқтисодий, сиёсий ва социал ҳукмронлигига қарши қаттиқ кураш олиб бормоқда. Америка монополиялари Сальвадор экономикасининг турли тармоқларига — саноатга, савдога, банкларга ва қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Улар миллий капитални бўғиб қўймоқда, мамлакатимизнинг ишчилар синфини бевосита эксплуатация қилмоқда. Америка империалистларининг ҳукуматнинг ички сиёсати устидан қилаётган ҳукмронлиги кучайиб бормоқда. Империализм ватанпарварликка қарши кураш қуроли бўлган, Марказий Америкадаги халқ ҳаракатига қарши империалистлар учун лозим бўлган пайтда биргаликда кураш бошлаш мақсадини кўзлаб бир қанча мамлакатнинг қуролли кучлари ҳаракатини бирлаштиришга қаратилган ва Марказий мудофаа Кенгаши деб аталган ташкилот доирасида Марказий Америка мамлакатларининг қуролли кучларини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга империализм Марказий Америка мамлакатларидаги полиция кучлари фаолиятини ўзининг бевосита назорати остига олди. Марказий разведка бошқармаси коммунистларни ва бошқа ватанпарварларни ўлдиришни ташкил этмоқ учун «Оқ қўл» ва «Тартиб» деган фашист ташкилотлари тузди. Кейинги вақтларда Марказий разведка бошқармасининг агентлари баъзи ўртоқларимизни ўлдирдилар. Булар орасида Рауль Сантьяго Контрерас, Оскар Хильберто Мартинес ва Хуан Альберто Васкес Каркамолар бор. Коммунистлар ва бошқа ватанпарварларнинг уйларини, халқ ташкилотларининг биноларини тез-тез ўққа тутмоқдалар, шу бинолар тагига бомбаларни қўйиб кетмоқдалар.

Сальвадор халқи ва Марказий Американинг бошқа мамлакатларидаги халқлар, деди нотиқ, ялпи душманга қарши курашда ўзларининг кучларини тобора кўпроқ бирлаштирмоқдалар. Ишчилар синфи бу курашнинг олдинги сафида бормоқда, муттасил уюшиб ўзини сафарбар қилмоқда, барча меҳнаткашларнинг энг зарур иқтисодий, сиёсий ва социал талаблари учун курашмоқда. Мана шу жанглар оловида ишчилар синфи ўзининг онглилигини ва революцион қатиятини оширмоқда. Душманлар вужудга келтирган шароитда бизнинг халқимиз сиёсий фаолиятнинг бошқа формалари билан чамбарчас боғланган қуролли кураш йўли билангина ҳокимиятни қўлга олиши мумкин. Сальвадор коммунистик партияси халқ оммасининг курашига бошчилик қилмоқ, халқни узил-кесил озодликка эришиш йўлидаги ҳал қилувчи жангларга тайёрламоқ учун бутун куч ва ғайратларини сарфлайди

Асосий ҳ

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

(Бошы 1, 2-betларда)

Бироқ, шунга қарамай биз Ғарбий Германия империализмининг мақсадлари Европада доимий уруш хавфини туғдириб турганлигини сезмасликка ҳаққимиз йўқ. Яна бунинг устига Америка империализмининг вьетнам халқига қарши олиб бораётган ваҳшиёна уруши ва араб халқларига қарши агрессия сиёсатини жаҳон империализми қўллаб-қувватлаётганлигн ҳам каттароқ ҳарбий можаролар хавфи нақадар кучайиб кетганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Европада кескинликни юмшатиш сиёсатини ва Европа хавфсизлиги системасини вужудга келтиришни талаб қилаётган қудратли кучлар бор, албатта. Лекин империалистлар у кучларни парчалаб юбориш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Шу сабабли, аввало, барча коммунистик ва ишчи партияларнинг империализмга қарши курашдаги ҳаракат бирлигини таъминлаш зарур.

Ўртоқ Рейман немис социал-демократияси раҳбарларининг роли тўғрисида гапириб, айтдики, социалистик сиёсатнинг ҳамма принципларидан аллақачон воз кечган ва ХДС-ХСС сиёсатини ўтказишга жон жаҳди билан ёрдам бераётган бир группа бошлиқлар билан социал-демократлар оммасини қориштириб юбориш керак эмас, албатта. Социал-демократик партиянинг юқори табақаси Федератив республика коммунистлари билан суҳбатлашишдан шу вақтача бош тортиб келаётган экан, — деб давом қилди Ўртоқ М. Рейман. — Бунинг сабаби фақат шуки, социал-демократик партиянинг юқори табақаси ҳукмрон империалистик доираларнинг ички ва ташқи сиёсий мақсадларига эришиш йўлини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

Социал-демократ министрларнинг аҳоҳида роли шундаки, улар мамлакат ичида урушга тайёргарлик системасини, бошқа мамлакатларга қарши агрессия қилиш системасини, урушга психологик тайёргарлик кўриш системасини; тинчлик, халқлар ҳамжиҳатлиги, қуролсизланиш ва хавфсизлик тўғрисида айтилаётган жуда кўп чиройли, жарангдама ёқимли сўзлар билан хаспўшлайдилар.

Сўнгра нотиқ, Германия Федератив Республикасидаги прогрессив доиралар тинчлик ва тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшаётганликларини кўрсатиб ўтди ва Ғарбий Германияда ҳам реваншизмга ва милитаризмга актив қарши чиқаётган кучлар кўпайиб бормоқда, деб Асосий ҳужжат лойиҳасида берилган таърифни маъқуллади.

Шундан кейин М. Рейман бундай деди: Германия Коммунистик партияси Хитой раҳбарларининг позицияси тўғрисида ўз фикрини айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Ўртоқ М. Рейман дедики, ҳар кун Совет Иттифоқига, Ленин партиясига тухмат қилаётган, жаҳоннинг ва социализмнинг энг кучли мамлакатига қарши чегараларда қуролли ирғоғарликларни тобора кенг миқёсда ва тўхтовсиз ташкил этаётган кимсалар «социализм» деган сўздан фақат ўзларининг миллатчилик, буюк давлатчилик сиёсатларини ниқоблаш учунгина фойдаланмоқдалар. Халқаро ишчилар ҳаракатида ва барча прогрессив ҳаракатларда б у з ғ у н ч и группаларни ташкил этаётган кимсалар давримизнинг асосий талабига қарши — империализм билан қурашда ҳаракат бирлигини вужудга келтириш тўғрисидаги талабга қарши оғир жиноят қилаётирлар.

Пировардида Ўртоқ М. Рейман айтдики, империализм ўз ҳаракатларини координация қилиб турган бу шароитда биз асосий масалаларга доир келишиб олинган сиёсат ўтказиш билангина ва ҳаракатлар бирлигини таъминлаш йўли билангина олга бора оламиз. Ҳаракатларнинг координация қилинишидан умуман бутун ҳаракат ҳам, шунингдек ҳар бир айрим мамлакатнинг революцион кучлари ҳам манфаатланадилар.

7 июнь кечки мажлисда **Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси Ўртоқ В. Гитто** сўзга чиқди. Мартиника Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, деди у, Кенгаш Асосий ҳужжатининг лойиҳасида мажбуриятлар аниқ кўрсатиб ўтилганлигига ғоят юксак баҳо берди. Бу ҳужжатда, планетамиз мустамлакачиликнинг ифлосларидан тамомила тозалансин, мустамлакачиликнинг охирги манбалари йўқ қилинсин, унинг янги, ниқобланган формаларда бош кўтариб чиқишига йўл қўйилмасин, деган талаб қўйилган.

Франциянинг мустамлакачилиги ҳақиқатда тугатилгани йўқ, деди сўнгра Ўртоқ Гитто, Мартиника Коммунистик партияси Мартиникани чулғаб олган департамент статути ёрдамида мустамлакачилик эксплуатациясини ниқоблаш йўлидаги уринишларга қарши кураш олиб бормоқда.

Статистика маълумотларига қараганда, Мартиникадаги турмушнинг ўртача даражаси Франциядаги турмушнинг ўртача даражасидан уч баравар паст. Савдо дефицити тўхтовсиз кўпая бормоқда, айни вақтда шакарқамишини, бананларни сотиш натижасида мамлакат оладиган асосий ресурслар тўхтовсиз камайиб бормоқда. Шакар ишлаб чиқариш камайиб ҳар йилги 90 минг тоннадан 40 минг тоннага тушиб қолди. Корхоналар ёпилиб қолмоқда: бананлар билан савдо қилиш тобора кўпроқ тасодифий ҳолларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бироқ, Франция мустамлакачилиги ўзининг ассимиляторлик сиёсатини зўр бериб кучайтирмоқда.

Ҳукумат радиоси, телевидениеси, газеталари мартиникаликларни ўз урф-одатларидан тамомила маҳрум қилишга интилмоқдалар, уларнинг адабиётини, фольклорини, шоирларини, рассомларини ва шу кабиларни назар-эътиборга олмаётирлар.

Ёшлар олий ўқув юртларидан ҳам, ҳунар-мактабларидан ҳам маҳрум қилиб қўйилган. Уларнинг келажакка мўлжалланган истиқболи йўқ. Француз мустамлакачилари ёшларни экспатриация қилишни, туризмни ва туғилиш устидан контроль ўрнатишнигина бизга бирдан бир йўл деб таклиф қилмоқдалар.

Шу сабабли биз Асосий ҳужжатнинг тегишли моддасини қуйидаги таҳрирда таърифлашни Кенгашга таклиф қилдик:

«Франция империализми жаҳон экономикасидаги ва сиёсатидаги ўз позицияларини ушлаб қолишга ва мустаҳкамлашга интилмоқда. У Гваделупа, Мартиника, Реюньон ҳамда Африка ва Океаниянинг бошқа мамлакатларидаги халқлар устидан ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолмоқда ва уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, ўз ишларини ўзлари бошқариш ҳуқуқини тан олишдан бош тортмоқда».

Тунис Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ М. Хармель Асосий ҳужжат лойиҳасининг мазмунига тўла равишда қўшилганлигини, шу ҳужжатнинг структурасига, ҳамма бўлимларига ўзининг тўла равишда розилигини ўз делегацияси номидан маълум қилди. У миллий озодлик ҳаракатининг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтди.

У жаҳон революцион жараёнида миллий озодлик ҳаракатининг роли ошиб бормоқда, деб Асосий ҳужжат лойиҳасида уқтириб ўтилган фикрга асосланиб айтдики, унинг биринчи ишлари бу ҳаракатнинг истиқболларини идеалаштирувчи хаддан ташқари оптимистик, хаддан ташқари бегубор қарашни вужудга келтирди. Кейин учраган қийинчиликлар, ҳаракатдаги айрим отрядларнинг маглубиятлари прогрессив кучлар фаолиятидаги салбий томонларни ошкор қилиб қўйди, ўз навбатида бу ҳол янги ходисаларнинг аҳамиятини инкор қилишга ёки унчалик эътиборга олмасликка мойил бўлган баъзи бир ёқлама баҳолар бериш учун баҳона бўлди. Шу муносабат билан у маочиларнинг «учинчи дунё» деб аталган мамлакатларда тарқатаётган назарияларни демагогиядан иборат эканлигини кўрсатиб ўтди.

Миллий озодлик ҳаракатининг социал мазмуни чуқурлашиб бориши марксизм ҳулосаларининг таъсирчанлигини исботлаб янги назарий ва амалий фикрлар қилишга олиб келади, деди нотиқ. Сўнгра М. Хармель мустамлака қарамлигидан озод бўлган давлатларнинг нокапиталистик йўли тўғрисидаги проблемаларга Тунис Коммунистик партияси қай назарда қараётганлигини ва мазкур мамлакатлар тараққиётининг «шу босқичи социалистик қурилиш босқичи билан қандай боғланганлигини айтиб берди. У эримдан учрайдиган икки тўсиқдан эҳтиёт бўлиш зарурлигига эътиборни жалб қилди. Бу тўсиқларнинг бири нокапиталистик йўлни социализм қуриш босқичига ўхшатишдан иборатдир, иккинчиси эса янги ҳодисаларга, жумладан ўзига ҳос сифатларга эга бўлган прогрессив кучларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига етарли баҳо бермаслик тенденцияларидир, яъни классик схемаларга, ишчилар синфининг гегемонлиги идеясини ўзгармайдиган бир нарса деб тушунишга қайтиш тенденциялардир. «Учинчи дунё»даги прогрессив мамлакатлар билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги тафовут ўша бошқа мамлакатларнинг ҳаммасини реакцион мамлакатлар категориясига қўшиб қўядиган даражада мутлақ тафовут бўлмаслиги лозим. Тунис коммунистлари ўз мамлакатининг ташқи сиёсатини мамлакатнинг тараққиёт йўлига баҳо беришдаги бирдан-бир мезон деб ҳисоблаётганлари йўқ. Улар иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бормоқдалар, мамлакат халқи интилаётган ўзгаришларнинг келишини тезлаштириш йўлида ишлармоқдалар.

Сўнгра Ўртоқ М. Хармель Яқин Шарқдаги вазиятни муфассал тавсифлаб берди. У Исроилнинг ҳукмрон доиралари айтаётган гапларнинг тамомила ёлғонлигини фош қилиб ташлади, янги фактларни, яъни прогрессив давлатлар ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан кучайиб бораётганлигини, ҳамда Фаластин озодлик ҳаракати туғилганлигини ва ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб ўтди. У прогрессив кучларнинг кенг доиралари орасида маглубиятдан ўзларига сабоқ чиқариб олаётганлар тобора кўпайиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтди. Бу доиралар Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюциясига ижобий баҳо бермоқдалар.

Дания Коммунистик партиясининг раиси Ўртоқ К. Есперсен уқтириб айтдики, монополистик капитализм, империализм системасига қарши курашнинг янги даври бошланганлигини кўрсатувчи кўпгина белгилар пайдо бўлиб қолди. Бу давр шундан иборатки, эски жамият ҳокимиятининг тиргаклари қақшай бошлади, халқ орасида эса ўзгаришлар бўлишига эришмоқ учун актив ҳаракатлар қилишга интилиш кучайиб бормоқда. Шу билан бирга бу давр анча каттароқ бардамликни ва равшанликни, дадиллик ва уюшқоқликни талаб қилаётган даврдир.

Капиталистик жамиятда ривожланаётган жараёнлар синфий кураш кескинлашаётганлигини ва аввало империализмга қарши, монополияларга қарши демократик кураш формасини олаётганлигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга кўпгина сўл оқимлар пайдо бўлмоқда. Бу оқимларнинг намояндалари курашда кўпинча катта мардлик кўрсатмоқдалар, лекин шу билан бирга уларнинг заифликлари — уюшиб ҳаракат қилишга, жипслашишга етарли равишда лаёқатлари йўқлиги, ҳаракатнинг муҳим жиҳатларини иккинчи даражали жиҳатларидан фарқ қила билмасликлари аён бўлиб қолмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасига сабаб шуки, курашнинг ҳақиқий мазмунини улар етарли равишда аниқ тушунмаётирлар. Фақат марксизм-ленинизмгина курашнинг ҳақиқий мазмунини аниқ тушунтириб беради.

Бизнинг фикримиз шуки, деди сўнгра Ўртоқ К. Есперсен, монополияларга қарши курашнинг кескинлашиб ва чуқурлашиб бораётганлиги ҳамма учун аҳамиятли бўлган тарихий жараёнларни акс эттирмоқда. Биз империализм билан социализм ўртасидаги жаҳоншумул курашнинг янги босқичига қадам қўйдик. бу кураш бутун дунёни ўз ичига олмоқда. Урушдан кейинги юксак конъюнктура даврида, илмий-техникавий революция авж олиб кетган шароитда капиталистик дунёда вужудга келган барқарорликнинг ўрнини энди чуқур беқарорлик эгаллади. Империалистик система ичидаги революцион потенциал ўсиб кетди ва янги куч билан ўзини намоён қилмоқда. Империализмнинг позициялари нисбатан заифланиб бормоқда. Империализм мана шу ўзгаришларга қарши курашиш мақсадини кўзлаб ўзининг жаҳон миқёсидаги стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Агрессивлик ва антидемократик тенденциялар кучайганлиги империализмнинг позициялари ва унинг ички зиддиятлари учун характерли бўлиб қолди. Вужудга келган мана шу вазиятда антиимпериалистик кучларнинг имкониятлари ўсиб бораётганлигини ҳам, шунингдек ҳозирги вазият тўғдирётган хавф ошиб бораётганлигини ҳам уқтириб ўтиш муҳимдир.

Антиимпериалистик курашни кучайтирмоқ учун аввало барча антиимпериалистик кучлар ўртасидаги бирликни бирғаликда қилинадиган ҳаракатлар асосида мустаҳкамлаш зарур. Шунга асосланиб биз маоизмнинг гегемонияга очиқдан-очиқ интилаётганлигига ёки коммунистик ҳаракат бирлигини бузишга, социалистик лагерь мамлакатларининг бирлигини бузишга интилаётганлигига кескин равишда қарши чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг партиямизга нисбатан ҳам мана шундай уринишлар қилинди.

Хитой Коммунистик партиясининг Пекинда бўлиб ўтган IX съезди маочиларнинг гегемонияга интилаётганликларини исботлаб берди. Социализмнинг жаҳондаги биринчи мамлакати бўлган Совет Иттифоқи чегарасида қилинган ирғолар бу интилишнинг яна бир жиддий кўринишидир. Бу ҳаракатлар фақат империализмга қўл келади. Душманларимиз бу ҳаракатлардан сиёсий мақсадда ҳам, пропаганда мақсадида ҳам фойдаланмоқдалар.

Коммунистик ҳаракатнинг бирлиги фақат оғзаки гаплар билан ёки чекланиб қололмайди ва чекланиб қолиши лозим эмас. Ҳаракатлар, ишлар қилиш зарур. Ўнга ёки «сўлга» оғишларни оқлаш учун қилинаётган уринишларнинг ҳеч бири марксизм-ленинизм принциплари асосида бирликка ҳақиқий интилишнинг ўрнини боса олмайди. Бу принципларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиздир.

Биз бу Кенгашимизни халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш йўлида олдинга қўйилган катта қадам, деб билмоқдамиз. Бу Кенгаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Лекин шу билан бирга биз шуни ҳисобга олишимиз лозимки, бу бизнинг йўлимиздаги фақат биринчи босқич бўлиб унинг кетидан янги ташаббуслар, янги куч ва ғайратлар, янги муваффақиятлар бошланчиши керак ва шу тариқа ҳаракатимизнинг замонимизнинг ҳал қилувчи сиёсий кучи сифатида ўзини тўла равишда кўрсатиши учун имконият яратиб берилиши керак.

Бизнинг ҳамкорлигимиз ҳозир биз яшаб турган шу қадар жуда хилма-хил ва мураккаб дунёда ҳам пролетар интернационализми ўсиб, гуллаб яшнаб янги мевалар берадиган қаётий кучга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди Тайёргарлик комиссияси ишлаб чиққан Асосий ҳужжат лойиҳасини ўз партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан маъқуллади.

Бизнинг партиямиз учун, деди у, Асосий ҳужжат аввало ҳаракатимизнинг тўла бирлигига эришишга олиб борувчи йўлдаги янги босқичдир. Бу ҳужжат коллектив бўлиб ишлаб чиқилганлиги унинг ҳозирги пайт учун ҳам, келажак учун ҳам аҳамияти катта эканлигини очиқ кўрсатиб турибди.

Бизнинг Кенгашимиз барча партияларни муштарак программа теварагида ва муштарак стратегия асосида бирлаштириш мақсадида империализмга ва турли реакцион кучларга қарши ҳаракатлар бирлигини вужудга келтиришга ёрдам бериши лозим. Биз принципиал асосдаги бирлик стратегия нуқтаи назардан ҳам зарур деб ҳисоблаймиз. Бу нарса очиқ кўринib турибди.

Ҳамма формалардаги революцион ҳаракатнинг ривожланиши ва ғалаба қилиши учун бугун вужудга келаётган имкониятлар асосий ҳужжатда уқтириб ўтилган, жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати социализм учун қулай бўлиб, империализмга ва реакцияга қарши курашаётган халқлар учун манфаатли бўлиб вужудга келганлиги ва сақланиб турганлиги қайд қилиб ўтилди. Жаҳондаги вазиятнинг жуда мураккаблиги бирлик бўлиши зарурлигини белгилаб бермоқда. Коммунистлар революцион жараёнлар қандайдир ўз-ўзидан революция йўли билан ривожланаверади, деган хом хаёлга берилмайдилар, Империализмга қарши кураш олиб бормай туриб тинч-тотув яшаш мумкин эканлиги тўғрисидаги хаёлий тасаввур ҳаммамизга ётдир. Агрессивликнинг кучайиб бораётганлиги бирлик бўлишини қаттиқ талаб этмоқда. Бу агрессивлик империализмнинг, хусусан, асосий агрессор ва жаҳон жандарми бўлган Америка империализмининг талончилик ва милитаристик моҳиятига асос қилиб олинган. Америка империализмининг Вьетнамга қарши агрессияси, унинг Куба ва Кореяга қилаётган таҳдидлари, социалистик системага қарши қаратилган хатарли планлари ва ирволари, Тайваннинг оккупация қилинганлиги, Африка ва Осиёдаги кирдикорлари, Латин Америкасини систематик равишда ва қонунсизлик билан эзиб келаётганлиги каби фактлар коммунистларни бирлаштиришга даъват этмоқда. Ниҳоят янки империализмининг жаҳон стратегияси деб аталган бутун стратегия ҳам бирликни талаб этади. Асосий ҳужжатда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, жуда катта ресурслар, шу жумладан фан-техника революциясининг натижалари ана шунга хизмат қилмоқда

Бу фикрлар ва фактлар бизни перспективадан маҳрум бўлишга ёки кучларнинг халқаро миқёсдаги нисбатига салбий баҳо беришга олиб бормайди. Бу фикр ва фактлар фақат шу нарсани кўрсатадики, ҳаёт марксизмнинг ҳар қандай ҳукмрон синф тинч ва осойишта ҳалок бўлмайди, деган аксиоми тўғри эканлигини яна ва яна бир марта намойиш қилади. Айни вақтда буларнинг ҳаммаси жаҳон социалистик системасининг ғоят катта кучга эга эканлигин эслатиб турибди. Совет Иттифоқининг тарихий ва идеологик нуфузи, иқтисодий ва ҳарбий қудрати бу системанинг негизидир. Бундай куч ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати билан қўшиб олиб борилган тақдирда у жаҳон воқелиги тенденцияларини тўғри ҳисобга олади — жаҳон урушининг олдини олиш, агрессорларни заифлаштириш ёки мажақлаб ташлаш, фашизмни ва антидемократик кучларни йўқ қилиб юбориш, қолоқ халқларнинг миллий мустақиллик ва социализмга ўтиш йўлидаги кураши жараёнига ёрдам бериш мумкин ва бундан ташқари, социалистик революциянинг янада юксалишини таъминлаш мумкин. Биз худди шу йўлда ҳаракат қилмоқдамиз.

Айрим ҳолларда маглубиятга учраш ва чекиниш, шунингдек муваффақиятларнинг чекланиб қолиши, Хитойнинг социализм мамлакатларидан четлашиб кетганлиги, Хитой раҳбарларининг социалистик системага, коммунистик ва ишчилар ҳаракатига путур етказишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари каби ғоят салбий омил билан боғланган. Хитойнинг ҳатти-ҳаракатлари антиимпериалистик кучларни умумий душманга қарши курашга тўплаш имконини қийинлаштирди. Бу ҳол хусусан Вьетнамдаги уруш давомида жуда ёмон таъсир кўрсатди. Бундай ҳаракатлар коммунистлар ўртасидаги ички мунозарага кўп куч-ғайрат сарфланишига сабаб бўлди. Улар бир қанча ҳолларда масалаларни ижодий, марксча-ленинча ишлаб чиқишга халақит берувчи омил сифатида ҳаракат қилдилар. Бошқа ҳолларда Хитойнинг ҳаракатлари шунга олиб келдики, ҳатто ўнглар ҳам баъзан Хитой хавфи шарпаси билан ниқоблана бошладилар. Улар ўз нуқтаи-назарларини асослаш учун у ёки бу масаланинг маочилар томонидан қўйилишини рўкач қилишдан ҳам ҳазар қилмаётирлар.

Аммо, аввало, шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, деди Ўртоқ Р. Арисменди. Пекиннинг ҳаракатлари кенг омма назарида социализм ва коммунизмнинг жозиба кучини камайтирадиган ғоявий парокандаликка ёрдам берувчи омил ролини, коммунизмга ва советларга қарши пропаганда учун янги баҳоналар вужудга келтирувчи омил ролини ўйнамоқда.

Хитойнинг ҳаракатлари, деб таъкидлади яна нотиқ, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлишига ёрдам беради, пролетар интернационализми принципига, жаҳон социалистик системаси доирасида бу принципнинг рўёбга чиқарилишига амалда тўсқинлик қилади, бундай ҳаракатлар партиянинг нимадан иборат эканлигини ва унинг раҳбарлик роли нимадан иборат эканлигини тушуниб олишга жиддий зарар етказади.

Буларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизмнинг идеологик таъсирини анча кенгайтириш, кенг оммани ўз позицияларимизга ўтказиб олиш соҳасида вужудга келган имкониятларнинг амалга оширилишига кўп жиҳатдан ҳалақит берди. Айни вақтда янги социал табақалар революцион ҳаракатга жалб этилаётган ҳозирги шароитда Хитойнинг ҳаракатлари тинчлик тўғрисида энг юзаки тасаввурларнинг ёйилишига ёрдам берди.

Бизнинг Кенгашимиз бу масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қила олади, деб ўйламасак ҳам, деди Ўртоқ Р. Арисменди, партиядаримиз ўртасида ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқарган сабабларни қачон бўлса ҳам коллектив суратда белгилаб чиқиш керак бўлади.

Шу муносабат билан нотиқ қуйидаги ҳолатга эътиборни жалб этди: Халқаро революцион жараённинг кенглиги ва хилма-хиллиги ихтилоф ва келишмовчиликларни келтириб чиқарадиган объектив базадир, деган мулоҳаза кўпинча бирдан-бир ва асосий сабаб қилиб илгари сурилади. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳаракатимизнинг қўлламлари ва ғалабалари айни вақтда бизнинг заифликларимизнинг сабабидир. Қисман шундай. Энг содда тасаввурларга ёки бутун ишни қандайдир хусусий бир моментдан иборат қилиб қўйиш йўлидаги уринишларга хилоф суратда буни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Аммо, деб уқтириб ўтди Ўртоқ Р. Арисменди, бу ҳақиқатга унча тўғри келмайди.

Масалага шу тариқа бир томонлама қараб, бошқа омиллар эътиборга олинмаган тақдирда, ҳали шаклланмаган ёки муайян бир тус олмаган ғоя ва тенденциллар пайдо бўлади. Бу ғоя ва тенденциялар туб идеологик проблемаларни ўртага қўйганида, бизнинг фикримизча, уларни ревизионистларча талқин қиладилар. Бундай ғоя ва тенденциллар марксча-ленинча синфий нуқтаи-назар асосида ораланиши керак. Бошқача муносабат бизни релятивизмга, жаҳон социалистик революциясининг практикасини, маҳаллий тажрибани шунчаки жамлаш сифатида қараб чиқишга олиб борган бўлур эди. Бу эса, марксизм-ленинизм назариясининг муштарак характерини инкор қилишдан далолат берган бўлур эди.

Биз бирлик манфаатларини кўзлаб, масалага принципиал ёндошишидан воз кечганимизда ва умумий формулалар ёки оддий умумий баҳолар бериш билан чекланиб қолганимизда, ана шу проблемаларни сиёсий ёки назарий жиҳатдан тўғри изоҳлаб бериш мумкин бўлмас эди.

Социалистик мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ва социалистик системанинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг обрўсини кўтариш, деди Ўртоқ Р. Арисменди, жаҳондаги барча революционерлар учун принципиал аҳамиятга эгадир. Бу — коммунистларнинг интернационал бурчидир. Бу бурч тарихий жиҳатдан Улуғ Октябрь билан бирга вужудга келди ва жаҳон социалистик революциясини бундан буён тараққий эттириш шароитида ҳам кун тартибидан олинган эмас.

КЕЧА КРЕМЛДА

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг кечаги мажлисларида муҳим воқеалар кўп бўлди. Бу мажлислар коммунистларнинг жипслигини мустаҳкамлаш учун ва империализм ва ретрокомига ҳужумни кучайтириш учун курашда олга томон янги қадам қўйилганлигини билдирда.

КПСС делегациясининг бошлиғи Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим проблемаларини атрофлича таҳлил этаб берди: социализм кучларининг коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоблари М. Рейман, К. Есперсен, Р. Армсменди ва бошқа Ўртоқларнинг мазмундор нутқлари империализм кучлари устидан социализм кучларининг ғалабасига қизғин ишонч билан сугорилган бўлди; ана шу нутқлар ва ниҳоят Исроил агрессиясининг икки йиллиги муносабати билан араб мамлакатлари ва Исроил Компартиялари Яқин Шарқдаги танглик тўғрисида биргаликда тайёрлаган баёнотнинг қабул қилинганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси Кенгаш ижодий, конструктив иш йўлидан қатъият билан оғишмай олга бораётганлигини яна бир марта яққол кўрсатди.

Ҳамманинг фикрига кўра, КПСС делегацияси бошлиғининг зўр қизиқиш билан тингланган ва залда гулдирос қарсакларга сабаб бўлган нутқи шу кунинг энг асосий воқеаси бўлди. Шу сатрлар ёзилаётган пайтда дунёдаги ҳамма радиостанциялар ана шу нутқдан олинган парчаларни эшиттириб турибди; бу нутқ ҳамма жойда шарҳланмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Нутқда ҳозирги тарихий вазият ва антиимпериалистик кураш вазифалари марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан чуқур анализ қилиб берилганлиги, коммунистик ҳаракатнинг ва империализмга қарши курашдаги ҳаракат бирлигининг проблемалари атрофлича таҳлил этиб берилганлиги, КПСС билан бутун совет халқи ўзининг интернационал бурчини қандай бажараётганлиги тўғрисида мароқли ҳикоя қилиб берилганлиги катта таассурот қолдирди. Шу нутқ тўғрисида билдирилган дастлабки фикр-мулоҳазаларда бизнинг партиямиз бирлик учун кураш масаласини аниқ ва чуқур принципиал тарзда қўйганлиги таъкидлаб ўтилмоқда.

— Коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев, — Кенгашимизнинг муҳим вазифасидир. Бунинг учун турли объектив шарт-шароитлар мавжуддир. Лекин биз ҳаракатимиздаги турли миллий отрядларнинг манфаатлари бир-бирига мос келганини яна бир марта қайд қилиш билангина чекланиб қолаолмаймиз. Бирлик — қуруқ гап эмас, балки амалий ишдир. Бирликка ўз-ўзидан эришилмайди, бунинг учун курашмоқ керак.

Империалистлар пролетар бирдамлигининг кучини биладилар. Шунинг учун ҳам улар революцион ҳаракат сафларини бўшаштиришга, пролетар интернационализми принципларига тухмат қилишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб, бу принципларни ишчилар ва коммунистик ҳаракатдаги миллий отрядларнинг мустақиллиги, суверенитети ва тенг ҳуқуқлилиги принципларига қарама-қарши қилиб қўймоқдалар. Худди шу мақсадни кўзлаб, империалистларнинг ёлланган идеологлари Варшава Шартномасига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар, ғўё «чекланган суверенитет»га амал қилмоқдалар, деган машъум назарияни тўқиб чиқардилар.

Ғарбдаги баъзи бировлар ана шу сафсатага ишонди. Шунга қарамай, Ленин васиятларига содиқ бўлган коммунистик партиялар ҳозир халқаро Кенгашда пролетар интернационализми улуғ ғоясини байроқ каби тутган ҳам баланд кўтарганликлари жуда муҳимдир.

Кенгаш қатнашчилари коммунистик сафларни бўшаштиришга, антиимпериалистик кучларни пароканда қилишга қаратилган йўлга ўзларининг жипсликка бўлган қатъиқ иродаларини ва бирликка олиб борувчи ишларини кескин қарамақарши қилиб қўймоқдалар.

— Ҳар бир партия ўзининг ишчилар синфи, ўзининг халқи олдида ҳам, шунингдек бутун коммунистик ҳаракат олдида ҳам масъулдир, — деди Ўртоқ Рейман. Бошқа кўпгина нутқларда бу фикр тасдиқланиб, янада ривожлантирилди.

Кеча дунёнинг турли зоналарида иш кўраётган партияларнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Кенгаш қатнашчилари Ғарбий Европа мамлакатларидаги партиялар ва Лотин Америкаси мамлакатларининг партиялари вакиллари, араб мамлакатларида ишлаётган партияларнинг вакиллари ҳамда Маргиника оролидаги мустамлака режими шароитида ҳаракат қилаётган партия вакили сўзлаган нутқларни тингладилар. Ана шу нутқларнинг ҳаммасида пролетар интернационализми ғояларига садоқат эҳр куч билан янгради.

Кенгашга тайёргарлик ишларини ташвиш билан кузатиб борган империалистлар пролетар интернационализмидан юз ўгириб, шовинистик позицияларга ўтиб олган пекинлик раҳбарлар Кенгашнинг муваффақиятли ишлашига ҳалақит берар, деган умид билан ўзларини юпантириб келган эдилар. Бонн реваншчиларининг газетаси «Рейнише пост» ўзининг 5 июнь сонида қувончини ичига сиғдира олмай, Кенгаш арафасида Пекинда ганимлик пропагандаси кучайганлиги ва жумладан СССРга қилинаётган қўпол хуружлар «очилаётган коммунистик учрашувнинг ғашини келтирувчи ёқимсиз музика бўлиб хизмат қилади» деб ёзди.

Бонн реваншчиларининг умидлари мутлақо пуч бўлиб чиқди. Пекиннинг «снарядлари» Кенгашга ҳеч қандай таъсир қила олмади. Унинг қатнашчилари пролетар интернационализми принципларини вазминлик, қатъият ва ғоят принципиаллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар; улар пекинлик шовинистларга зарба бермоқдалар.

— Биз маочиларнинг гегемонлик даъволарига кескин қарши чиқамиз, деди Дания Компартиясининг Раиси К. Есперсен. — Уларнинг IX съезди қарори ва Хитой — Совет чегарасидаги Қуролли ирғоғарликлари ана шу даъволарнинг ифодаси бўлди. Буларнинг ҳаммаси империалистларга қўл келади, холос. Бу ҳақда бизнинг индамай туришимизни талаб қилиш ярамайди.

Хитой раҳбарларининг сиёсий авантюризми улар тинмай кучайтираётган ҳарбий вазиятга, ва янги элементлар киритмоқдаки, буларни ҳисобга олмасдан бўлмайди, деб КПСС делегацияси ва бошқа бир қанча делегациялар айтган фикрни Кенгаш қатнашчилари жуда яхши тушунмоқдалар.

Империалистлар ва уларга маслаҳлик қилувчи буржуа матбуси коммунистик ҳаракатнинг айрим арбоблари интернационал алоқаларни заифлаштириш ва ҳатто узиш ҳисобига, бошқа партиялар билан биргаликда ҳаракат қилишдан бош тортиш ва антисоветизм ҳисобига ўз обрўларини «мустаҳкамлаш» пайига тушиб қоладилар, деган умид билан ўзларига таскин бермоқдалар.

Бироқ, бундай йўл буржуазиядан идеология мустақиллигини йўқотишгагина олиб бориши ва бундай усулардан хазар қилмайдиган кимсаларнинг ўз сиёсий обрўсига ўнгалмас зарба бериши равшанку, ахир.

Кеча сўзга чиққан коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари миллий манфаатларни пролетар интернационализмига қарама-қаршо қўйиш эмас, балки уларни бир-бирига узвий равишда боғлаб юборишгина коммунистлар партиясининг сиёсий позицияларини мустаҳкамлашга олиб борадиган йнакам йўл эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, Рейман, Есперсен, Арисменди ва бошқа Ўртоқлар шу ҳақда гапирдилар.

Яқин Шарқдаги танглик тўғрисидаги баёнот лойиҳасини биргаликда тайёрлаган араб мамлакатлари ва Исроил Компартияларнинг иши ҳам амалдаги пролетар интернационализмининг ёрқин тимсоли бўлди. Исроил Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Меир Вильнер таъкидлаб ўтганидек, бу — катта сиёсий аҳамиятга эга воқеа бўлди. «Бу масала юзасидан барча партияларнинг ягона позицияни қабул қилганликлари фактининг ўзи, — деди у, — империализмга ва унинг малайларига қарши биргаликда олиб бораётган курашимиз учун катта аҳамиятга эга бўлади».

Кенгаш қатнашчилари коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун мавжуд ихтилофларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш зарур, деган фикрни якдиллик билан эътиборга олдилар. Бу вазифани ҳал этмоқ учун марксизм-ленинизмнинг энг асосий принципларини ҳимоя қилишда юксак принципиаллик, қатъият кўрсатиш лозимлигини улар яхши билишади.

— Бу ихтилофлар, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев, — бир хил характерда эмас, бу ихтилофларни бартараф этишга турли йўллар билан эришилиши табиий. Айрим ҳолларда шубҳа-гумонлар ва саволлар икки томонлама учрашувлар ва Ўртоқларча мунозаралар давомида ҳал этилиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса уларни халқаро майдондаги муштарак мақсадлар учун биргаликда кураш олиб бориш жараёнида турмушнинг ўзи бартараф эта олади. Лекин туб проблемаларда, коммунистик ҳаракат моҳиятининг ўзига даҳл қилувчи ихтилофлар бор. Бу ихтилофларнинг бартараф этилиши, эҳтимол, узоқ вақт ва муросасиз кураш олиб боришни талаб этар.

Ишчилар синфининг, дунёдаги барча меҳнаткаш

ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Совет ва монгол ёшлари дўстлиги учинчи фестивали ёпилди

Совет ва монгол ёшлари дўстлиги учинчи традицион фестивалининг байроғи Ўзбек диёрида тўққиз кун ҳилпираб турди. Бу фестиваль Ильич туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди. Ёш авлодларнинг интернационал қардошлиги, уларнинг ҳар иккала мамлакат халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга интилишлари тўғрисидаги ажойиб қўшиқлар тўқиз кун мобайнида жаранглаб эшитилди. В. И. Ленин билан Сухэ-Батор ана шу дўстлик асосини қурган эдилар.

Ёшлар байрамининг охирги куни. Фестиваль вақтида маросим учрашувлар, мунозаралар, виставкалар макони, монгол фильмлари кинофестивали, комсомол ва революцион ёшлар союзининг иш тажрибалари айрибошланган жой бўлиб қолган Тошкентдаги Дўстлик клуби 8 июнда одамлар билан лиқ тўла эди. Тантана қатнашчилари Совет Иттифоқи ва Монголия ёшлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга фаол ёрдам берган ана шу клубнинг ишини ифтихор билан тилга олдилар. Революцион ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ч. Пураважав ҳам, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Т. Дувакин ҳам ўз нутқларида фестивалнинг ана шу муҳим якуни тўғрисида гапирдилар. Монгол дўстларимиз байрамни яхши уюштирганлиги учун республика комсомолига миннатдорчилик билдириш юзасидан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига революцион ёшлар союзининг эсдалик байроғини тақдим этишди. Комсомол етакчиларидан бир группаси, шу жумладан Ўзбекистон Ленин комсомолининг раҳбарлари ҳам Революцион ёшлар союзининг тақдирлов нишонлари билан мукофотландилар.

Совет ва монгол журналистларини матбуот конференциясига таклиф этадилар. Делегацияларнинг раҳбарлари байрамнинг асосий натижаларини журналистларга маълум қилишади. Ўзбекистон йигит ва қизларидан камида ярим миллиондан ортиқ киши фестивада бевосита қатнашганлиги тўғрисида айтилган гаплар ҳаммага маъқул бўлди. Республика ва бутун Ўрта Осиёдаги миллионларча меҳнаткашлар бу тантаналарни телевидение орқали томоша қилдилар. Матбуот конференциясининг ташкилотчилари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Тошкент фестиваль эстафетасини Улан-Баторга топширади, дедилар. 1971 йилда Монголия пойтахтида ўтадиган навбатдаги тўртинчи фестиваль байроғи кўтарилади. Бу фестиваль монгол революциясининг ярим асрлик юбилейига бағишланади.

...Кундуз соат тўрт. Санъат саройи ўз эшикларини ҳар иккала мамлакат ёшлари вакилларига кенг очиб қўяди.

Тантанали мажлис президиумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин Р. Қурбонов, В. Г. Лопоносов М. М. Мусаҳонов Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов М. Т. Турсунов, ВЛКСМ Марказий Комитети ва Революцион ёшлар союзи Марказий Комитети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлари, фестивалнинг фахрий меҳмонлари, шу жумладан комсомол ва революцион ёшлар союзининг ветеранлари, Даманский оролининг шонли ҳимоячилари ўтиришибди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлайди. Фестиваль деб таъкидлайди у, снёсий фаолият гоят ўсган бир вазиятда ўтди, интернационал қардошликнинг ажойиб байрами бўлиб қолди.

Комсомол ва Революцион ёшлар союзининг активлари бирин-кетин микрофон олдига келишди. Уларнинг нутқлари фестивалдаги учрашувларнинг самарали якунларидан ифтихор туйғулари билан тўлган.

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг тикувчиси Майя Ғозиева қуйидагиларни айтади:

—Фестиваль бизларни янада кўпроқ яқинлаштирди. Бу фестиваль ёшларнинг кекса авлод шонли революционер, меҳнат ва жанговар традицияларига садоқатини ифода этувчи ажойиб намойиш сифатида доим хотирамизда сақланиб қолади.

Улан-Батордаги қурилиш трестининг бригада бошлиғи Монголия Халқ Республикасининг меҳнат қаҳрамони, буюк халқ хурлининг депутати Д. Намсрай ўз таассуротлари ҳақида гапириб, бундай дейди: Мен Ўзбекистонни кўриб, унинг ажойиб кишилари билан танишганлигимдан жуда хурсандман.

Металлургия машинасозлиги Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг катта инженери Станислав Биковский қуйидагиларни айтади:

—Менинг жонажон шаҳрим Москва. Бу шаҳарда Ильич яшаган эди ва бу шаҳарда монгол ва совет халқларининг дўстлиги вужудга келган эди. Москва комсомоллари мени Тошкентга юборар эканлар, бу фестиваль Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун бригаликда тайёргарлик кўрган комсомол ва Революцион ёшлар союзи йилномасига ёркин саҳифа бўлиб киражагига ишонган эдилар.

Халхин—Голдаги ва Улуғ Ватан уруши фронтларидаги жангларнинг қаҳрамони, армия генерали И. И. Федюнинский минбарга чиққанида залдагилар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишади. Комсомол ветерани Совет Иттифоқи ва Монголиянинг олтмишинчи йилларидаги ёшлари ўз ота-боболарининг тўғри йўлидан бораётганликлари тўғрисида тўлқинланиб гапиради.

—Ана шу мўътабар минбардан туриб, сизларга шу гапларни айтишни истайман: ҳамиша дўст ва аҳл бўлингиз, ҳаққоний иш учун биргаликда курош олиб борингиз. Биз бир ёқадан бош чиқарганимизда ҳар қандай вазифани бажара оламиз, ҳеч қандай душман бизга хавф соля олмайди. Ҳар қандай ниқобдаги душманлар шуни билиб қўйсинларки, биз ўз болаларимизга меҳнат шижоатимизни ҳам, жанговар тайёргарлигимизни ҳам мерос қилиб қолдирдик, дейди фестивалнинг ҳурматли меҳмони.

Монголия Революцион ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ч. Пураважав сўз берилади. Биз, деб уқтириб ўтади у, фестиваль кунларида Совет Иттифоқи комсомолларга ва шонли ёшларининг снёсий активлиги ва меҳнат ғайрати гоят ўсганлигини кўрдик. Уларнинг Ленин ишига, пролетар интернационализми улуғ принципларига содиқ эканликларининг шоҳиди бўлдик. Монголия ва Совет Иттифоқи ёшлари Революцион ёшлар союзи билан Ленин комсомоли ўртасидаги қардошларча дўстликни ҳамиша сақлаб, ривожлантира борадилар, халқларимизнинг революцион ва жанговар традицияларига, Монголия Халқ Революцион партияси билан КПСС ишига ҳамиша содиқ бўлиб қолаверадилар. Биз совет ёшларининг бахтли-саодатли бўлишларини ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўришда муваффақиятлар қозонишларини чин кўнглимиздан тилаймиз.

Совет Иттифоқи ва Монголиянинг Ўзбекистонда учрашган вакилларининг таржиман холи, дейди ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. В Торсуев, кўп жиҳатдан, бирбирига ўхшайди. Бунинг сабаби ҳам маълум: ҳар иккала мамлакат ёшлари Ленин ғояларига садоқат руҳида тарбияланмоқда, уларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса ўзларининг бутун ҳаётини Ильич васият қилган ишни рўёбга чиқаришга бағишлашдан иборат. Оптимизм, четқоқлик ишонч, юксак ғоявий эътиқод, социалистик ғалабаларни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш — ҳозирги ёшларимизга хос хусусиятлардир. Бу хусусиятлар фестиваль вақтида яққол намоён бўлди. Комсомоллар, совет ёшлари монголиялик тенгдошлари билан дўстликни доим мустаҳкамлайдилар, демократик ёшларнинг халқаро ҳаракати сафларидаги бирликни мустаҳкамлайдилар, тинчлик ва тараққиёт учун кураш олиб боравердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов фестиваль қатнашчиларини самарали ишлари билан қизғин табриклайди.

Гулдурос қарсаклар садолари остида эсдалик туҳфалари топширилади. Революцион ёшлар союзи Марказий Комитетининг раҳбарлари В. Н. Ленининг монгол революцияси йўлбошчиси Сухэ-Батор билан тарихий учрашуви тасвирланган суратни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тақдим этадилар. Ильич сурати туширилган ва чинидан ясалган ваза монголиялик дўстларимизга топширилади.

Фестиваль қатнашчилари гоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети ва Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетига табрикнома ҳамда Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашига табрик телеграммаси қабул қилдилар.

Тантанали мажлис тамом бўлди. Оркестр Монголия Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнларини ижро этади.

Комсомол ва Революцион ёшлар союзининг вакиллари демократик ёшларнинг гимни садолари остида фестиваль байроғини туширадилар.

Ҳар иккала мамлакатнинг ёш артистлари саҳнага чиқишади. Фестивалнинг охирида катта байрам концерти берилади.

* * *

Фестиваль қатнашчилари 9 июнда Тошкентдан жўнаб кетишди. Ўзбекистон пойтахтининг ёшлари меҳмонларни шоду-хуррамлик билан узатиб қолишди.

(ЎзТАГ).

БИРЛИККА ИНТИЛИШ, ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ РУҲИ

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтаётган халқаро кенгаши ишини бутун дунё зўр эътибор ва қизиқиш билан кузатиб турибди. Бу воқеа чет эл матбуоти, информация агентликлари, радио эшиттириш ва телевидениесининг асосий мавзуи бўлмоқда. Кенгашнинг очилиши, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 75 қардош партия вакилларига қарата сўзлаган табрик нутқи кенг кўламда ёритилмоқда. Чет эл матбуотининг кўпгина органлари Л. И. Брежневнинг коммунистлар бирлиги, уларнинг куч қувватларини бирлаштириш антиимпериалистик революцион кураш муваффақиятининг муҳим шарт-шароити, социализм янги ғалабаларининг муҳим замини бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади деган сўзларни айниқса бўрттириб кўрсатмоқда.

КПСС Марказий Комитети кенгаш замонамизнинг барча революцион, озодлик, прогрессив кучларини империализмга қарши курашга сафарбар этиш йўлида муҳим босқич бўлади, у халқаро коммунистик ҳаракат жипслиги ишига, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм принциплари асосида катта ҳисса қўшади, деб ишонч билдирганлигин ҳам таъкидлаб ўтилмоқда.

Тинчлик ва тараққиётнинг барча дўстлари кенгаш чақирилишига улуғвор, чинакам тарихий воқеа, деб баҳо бермоқдалар. 1969 йил 5 июнь, деб ёзади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихига шонли, унутилмас сана бўлиб киради. Барча қитъалардан вакил бўлиб келган ва Москвада йиғилган қардош партияларнинг куч-ғайратлари, миллион-миллион коммунистларнинг интилишлари катта муваффақият қозонди. Москва кенгаши фактга айланди.

Тўла асос билан шуни қайд этмоқ мумкинки, деб ёзади Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси, демократик, тенг ҳуқуқлилик ва ўртоқларча самимий ҳамкорлик руҳида тайёрланган Москва кенгаши интернационализмнинг бузилмас ҳаётий кучини намойиш қилмоқда.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси кенгашни «халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг мўътабар анжумани» деб атамоқда.

Матбуотнинг бошқа кўпгина органлари Москва кенгашининг кун тартибида турган асосий масала барча халқларнинг манфаатларига таалluқлидир, деб ёзмоқда. Франсияда чиқадиган ҳафталик «Франс нувель» газетасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини ва қурашини кучайтириш барча антиимпериалистик кучларнинг манфаатларига, шунингдек, ҳар бир айрим мамлакат халқларининг манфаатларига жавоб беради».

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг жаҳонда биринчи социалистик давлат пойтахти Москвада ўтказилиши, деб таъкидлайди ГДРда нашр этилувчи «Нойе Цайт» газетаси, инсоннят тараққиётида ҳал қилувчи омил бўлиб қолган жаҳон социалистик системасининг қудратидан далолат беради. Кенгаш ўтаётган Кремлнинг Георгий залида, деб ёзади Италиянинг «Унита» газетаси, социализм турмушни ниҳоятда турли доираларига жуда чуқур таъсир кўрсатувчи чинакам жаҳон системасига айланганлигини айниқса яққол ҳис этасан, киши.

Кўп миллионли коммунистлар армияси, барча меҳнат аҳли империализмга қарши курашда бирликни мустаҳкамлашга бўлган орзу-умидларини Москва кенгаши билан боғламоқда.

Буржуа матбуоти Москва кенгашининг очилганлигини хабар қилар экан, унинг кенг ваколатли характерда эканлигини тан олишга мажбур бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетаси кенгашда 75 коммунистик ва ишчи партияларнинг қатнашуви, «кутилганидан анча кўпдир», деб ёзди.

Шу билан бирга буржуа матбуотининг баъзи органлари Москва кенгаши муваффақият билан иш бошлаганлигидан ғижиниаётганлигини яшира олмаяпти.

Лекин Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетасининг таъкидлаб ёзишича, коммунистик ва ишчилар ҳаракати йилномасига яна бир шонли саҳифа ёзилди. Қардош партияларнинг бирликка интилиши, империализмга қарши курашдаги жипслиги, уларнинг умумий мақсадларни амалга оширилиши учун интилишлари ўсиб бораётганлиги коммунистлар халқаро иншини белгилаб беради. Бу мақсадлар кенгашга тайёргарлик кўриш чоғидаёқ намоён бўлган эди. (ТАСС).

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — С. Бобоев. «Байрам куни» (симфония поэма). 10.30 — Опералардан парчалар. 11.15 — «Институт ва лабораторияларда». 11.30 — Ҳ. Тўхтасинов қўшиқлари. 13.30 — Концерт. 15.15 — «Замондошларимиз» (русча). 15.30 — С. Аҳмад. «Хазина» (радиоинсценировка). 16.10 — Концерт-очерк. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Чўлга ҳужум давом этмоқда» (русча). 18.10 — Клаудио Вилла куйлайди. 18.40 — Спорт. 19.20— Б. Бровцин. «Семург» (балетдан парчалар). 20.00 — «Ёшлик» программаси. 20.40 — Концерт. 21.00 — «Ленинном» программаси (русча). 21.30 — Концерт. 22.20 — Рақс куйлари. 22.40 — И. С. Тургенев ҳикоялари. 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар.** 18.50 — **Мультфильм.** 19.10 — **Реклама.** 19.15 — **Ленинча меҳнат вахтасида.** 19.35 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.40 — **Уч минут музика.** 19.50 — **Телеянгиликлар.** 20.05 — **«Пропагандист» тележурнали.** 20.35 — **Туғишгандан афзал** (бадиий фильм, рус тилида). 22.00 — Пиллачиларнинг **меҳнат рапортлари.** 22.20 — Ҳ. Олимжон. **«Зайнаб ва Омон»** (телеспектакль премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/VI да **Мария Стюарт,** 11/VI да **Шоҳ Эдип,** 12/VI да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — (ёзги бинода). 11/VI да **Жон қизлар,** 12/VI да **катта концерт.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уруш—уруш-да — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эрканча гап — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика **«Ҳурмат тахт асм»га** ёзиладилар.

Денов райони (район партия комитетининг секретари **Э. Мавлонов,** район ижроия комитетининг раиси **А. Сагитов,** район комсомол комитетининг секретари **Б. Одинаев,** марказий пилла қуритиш пунктининг директори **А. Енгулатов** ўртоқлар).

Фарғона область Киров райони (район партия комитетининг секретари **Ф. Алихонов,** район ижроия комитетининг раиси **У. Бегматов,** район комсомол комитетининг секретари **Ж. Қурбонова,** марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Э. Абдурасулова** ўртоқлар).

Риштон райони (район партия комитетининг секретари **С. Охунов,** район ижроия комитетининг раиси **Т. Тўйчиев,** район комсомол комитетининг секретари **Ж. Қурбонова,** марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Н. Шерозиев** ўртоқлар).

Олтиариқ райони (район партия комитетининг секретари **Т. Мирзаматов,** район ижроия комитетининг раиси **А. Маматхонов,** район комсомол комитетининг секретари **Ҳ. Иброҳимов,** марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Э. Абдурасулова** ўртоқлар).

Фотолавҳалар

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 3-бўлим ишчилари бу йил 650 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,3 ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир механизаторлар ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бермоқдалар. Юқоридаги суратда совхознинг моҳир механизатори Ғ. Тоғаев. Пастдаги суратда бўлимнинг Алихон Акромов бошлиқ бригадаси даласида ғўзага ишлов берилмоқда.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

МИЛИЦИЯ КИЙИМИНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ

СССР Министрлар Советининг қарорига биноан Совет милициясининг ходимлари кийимининг янги формасига ўтадилар. СССР ички ишлар министри генерал-полковник Н. А. Щелоков ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Кийимнинг янги формаси милиция ҳамма ходимларининг ишидаги интизом ва маданиятни оширишга, милициянинг обрўйини мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим.

Милициямиз ўзининг ҳамма ишларини аҳолининг кўз ўнгида олиб боради, деди министр. Мамлакат меҳнаткашлари милиция ходимларини ҳақли равишда давлат ҳокимиятининг вакиллари, деб биладилар. Милицияда хизмат қилиш бошқа кўп фазилатлар билан бирга ишда юксак даражада уюшқоқ бўлишни ва маданиятни тақозо этади. Партия билан ҳукумат биздан шуни талаб қилмоқдалар.

Янги формани кийимга замонавий эстетик талабларга батамом мос бўлиб тушувчи тус бериш зарурати билан жорий қилинмоқда. Милициянинг кийими хушбичим, ғоят қулай ва қовушиб турадиган бўлиши лозим. Биз ана шу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олдик, албатта. Вақт ўтиши билан милиция кийимининг формаси такомиллашиб борганлиги ҳам эсдан чиқарилмади ва биз унга ўзгариш киритганимизда уннинг баъзи бир традицион элементларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.

Н. А. Шчелоков сўнгра қуйидагиларни айтди: Янги формани жорий этишга жуда катта тайёргарлик иши олиб борилди. Бу ишда ички ишлар, милиция органларининг, илмий тадқиқот институтларининг ходимлари, рассомлар ва моделчилар қатнашдилар. Ишлаб чиқилган нусхалар кўпгина кенгашларимизда, министрликлар ва идораларда, милиция бўлинмаларида намойиш қилиб кўрсатилди. Янги нусхаларга юксак баҳо берилди. Янги форма ўзининг ранги, газламасининг сифати ва фасони билан ҳам эски формадан фарқ қилади. У оч қора тусда бўлиб пухта, қулай, чиройли газламадан тикилади.

Милиция шахсий составининг ҳам ёзлик, ҳам қишлик формаси бўлади.

Милиция ходимлари билан ички ишлар тергов аппарати ходимларининг айирма белгилари ўзгартирилди. Милиция ходимларининг ёқасида СССР герби тасвирланган эмблема, тергов ходимларининг ёқасида эса икки қилич билан қалқон тасвири туширилган эмблема бўлади. Янги моделнинг фуражкаси нишон билан лавр япроғи шаклидаги кашта ва зар тасма билан безатилади.

Кийимнинг янги формасида милиция органларининг турли иқлим шароитларида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Ходимларимиз қаерда хизмат қилмасинлар, янги форма уларга катта қулайликлар беради, деб таъкидлади министр. Чунончи, мамлакатнинг шимолий районларида хизмат қилувчи милиция ходимлари учун иссиқ, қулай кийим кўзда тутилмоқда. Уларга камзул, иссиқ шим ва жун астарли этик берилади. Баҳор ва куз фаслларида ҳароратнинг жуда ўзгариб туриши, шунингдек, ўзига хос обҳаво шароитлари ҳисобга олинib, давлат автоинспекциясининг мотоцикларда патруль хизмати қилувчи ходимлари учун синтетик материаллардан тикиладиган кийимнинг янги нусхаси ишлаб чиқилди.

Кийим формалари қайси муддатларда ўзгартирилади? Кийимлар аста-секин 1970 йил 1 январдан бошлаб ўзгартирила бошлайди. Москвада янги формага ўтишга киришилди.

СУД ЗАЛИДАН

БЕЗОРИЛАР ЖАЗОЛАНДИ

2-3 июнь кунлари Тошкент шаҳар судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси Тошкент политехника институтининг мажлислар залида ўтказган сайёр сессиясида А. Ҳўжараҳимов ва бошқаларнинг апрель ойида футбол ўйинидан сўнг Навоий кўчасида безорилик ҳаракатлари қилишда айбланган жиноий ишни кўриб чиқди.

Суд мажлисида жамоат айбловчиси — Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси бош инженерининг ўринбосари М. Турдиқулов сўзлади.

Суд безорилик ҳаракатини бошлаб берган 2-пойафзал фабрикасининг рантловчиси А. Ҳўжараҳимов, Фрунзе район ошхоналар трестининг ошпази Б. Валиев, Тошкент савдо техникуми 3-курс студенти Ш. Нурмуҳамедовларнинг ҳар бирини беш йилдан озоддликдан маҳрум этишга ва жазо муддатини кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга ҳукм қилди. Бошқа судланувчилар турли муддатлар билан озоддликдан маҳрум этишга ҳукм қилишдилар. Суд процессида ҳозир бўлганлар ҳукмни маъқуллаб кутиб олдилар.

Безорилар шуни билиб қўйсинларки, уларнинг жиноий ҳаракатлари ҳеч қачон жазосиз қолмайди ва улар қаттиқ жазодан қочиб қутула олмайдилар. Кенг жамоатчилик айрим безорилар томонидан меҳнаткашлар осойишталигининг бузилишига йўл қўймайди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ-КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

лаборатория мудирлари ва катта илмий ходимлар: оптималь планлаштириш ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, электрон ҳисоблаш машиналарида газотермодинамик ҳисоблаш, аппаратура манбаларини ишга солиш ва информацияни чиқариш, электрон-ҳисоблаш машиналарида сув хўжалик системасининг ҳисоби.

лаборатория катта илмий ходимлари: тақрибий интеграллаш назарияси, пластиклик ва эгилувчанлик назариясида алгоритмизация, мураккаб ортиши моделлаштириш, сонлар методи, иқтисодий эксперимент назарияси, темир йўл транспортида юк ташиш процессини бошқариш адаптив системалар.

Конкурс муддати — 13 июнгача.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 26 уйга юборилсин.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИ ДИРЕКЦИЯСИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РЕКТОРАТИ БИЛАН ВИРГАЛИКДА

16 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН:

МАТЕМАТИКА,
ХИМИЯ,
ФИЗИКА,
АДАБИЁТ,
ТАРИХ,
ЧЕТ ТИЛЛАРИ бўйича

ОБЗОР ЛЕКЦИЯЛАРИ УЮШТИРАДИ

Лекцияларни Тошкент шаҳри Олий ўқув юртларининг профессор ўқитувчилари олиб бораднлар.

Абонемент ва кириш билетлари «Билим» уйи нассасида 10 июндан бошлаб сотилади.

Адрес: Киров кўчаси, 24-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337263, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация—334524, Стенографистка — 337343. Корректура — 337163. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон —48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Ўрганч 34—55.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

№ Б. — 134. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Р. 14354.